

Ilmiy-amaliy jurnal — Научно-практический журнал — Scientific and practical magazine



QONUNCHILIK MUAMMOLARI AXBOROTNOMASI

1-son
2022-yil

БЮЛЛЕТЕНЬ
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

BULLETIN
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти парламенти истиқболли режа ва дастурларини ишлаб чиқадиган, бу жабҳадаги турли таклифларни таҳлил қиладиган ва зарур тавсиялар берадиган илмий марказга айлантириш лозим, деб ҳисоблайман.

Бугунги Ўзбекистон – самарали парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган мамлакатдир.

...ҳаётнинг ўзи биздан ушбу йўналишда ҳам профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиб беришни талаб этмоқда. Чиндан ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, «ўлик» қонунлар кимга керак?

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз лозим: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт.

Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги Халқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак.

Яна бир муҳим масала – барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир.

...қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности ҳужжатлари сонини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш зарур. Бизга тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар керак ва қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхтатиш зарур...

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев,
«Янги Ўзбекистон стратегияси» китобидан**

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун 35 миллиондан зиёд кўпмиллатли халқимиз ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва фаровон жамият қуришдек улуғ мақсадлар билан яшамоқда. Шундан келиб чиқиб, Шавкат Мирзиёев ўтган йилги Президент сайловида «Инсон қадрини учун», «Давлат – инсон учун» деган ғояларни илгари сурган эди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси

сари» деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилги «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳам янги стратегиядан келиб чиқиб тайёрланган. Очiq муҳокамалар жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд таклифлар олинган. Улар таснифланиб ва умумлаштирилиб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ ташаббуслар билан тўлдирилган.

Давлатимиз раҳбари халқимизга бундай фаоллиги, ислохотларга ишончи ва дахлдорлиги учун миннатдорлик билдирди.

– Инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиршини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, си-

фатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади, – деди Президент.

Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Булар:

I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

III. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш;

V. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

VI. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

VII. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чоратадбир кўзда тутилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари барча саъй-ҳаракатлар ва маблағлар ҳар бир маҳаллага аниқ етиб бориши, оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Президентимиз 7 та устувор йўналишнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, энг муҳим жиҳатларини айтиб ўтди.

Хусусан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштириш, ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш

зарурлиги таъкидланди.

Хотин-қизларнинг ўқиши ва ишлаши учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали улар орасидаги ишсизликни 2 бараварга қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи йўналиш ҳақида сўз борар экан, «қонун устуворлиги индекси» юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олиш энг асосий вазифалардан экани таъкидланди. Шу мақсадда мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий судлар ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.

Йўлларда хавфсиз шароит яратиш, транспорт ҳодисалари ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш учун ҳаракатларни бошқариш тўлиқ рақамлаштирилади, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш кучайтирилади.

Давлатимиз раҳбари миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўналишининг аҳамиятига атрофлича тўхталди.

– Ҳеч кимга сир эмас – бугун жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласи бўлиб турибди. Фақат барқарор иқтисодиётгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис стратегияда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш, замонавий иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш режалаштирилган.

Илм-фан ва инновациялар, қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини 2 баравар ошириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш имконияти бор.

Шунингдек, келгуси беш йилда иқтисодиётга 120 миллиард доллар, шу жумладан

70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт ҳажмини йилига 30 миллиард доллардан ошириш мўлжалланган.

– Энг қийини, бу улкан вазифаларни ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида амалга оширишга тўғри келади. Бу биздан катта куч ва маблағ, мустаҳкам ирода ва қатъий интизомни, барча имкониятларни тўла сафарбар қилишни талаб этади, – деди давлат раҳбари.

Ижтимоий йўналишдаги асосий вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, келгуси беш йилда мактабларда қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратилади ҳамда дарсликлар янгиланади. Давлат ва хусусий боғчаларни кўпайтириш орқали мактабгача таълим қамрови 80 фоизга етказилади.

Олий ўқув юртларининг нуфузли халқаро рейтингларга кириши, хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойи барпо этилиши ҳам муҳим вазифалардан.

Шунингдек, бирламчи тиббий хизматлар сифатини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, рақамли тиббиётни кенг жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 3 баравар оширилиши белгиланди.

Маънавият соҳасига оид чора-тадбирлар муҳокама қилинар экан, 12 мингдан зиёд кутубхона имкониятларидан самарали фойдаланиш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш муҳимлиги қайд этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Меҳнат миграциясини тизимли ташкил этиш, фуқароларни хорижий тиллар ва касбга ўргатиш, хориждаги ватандошлар билан мулоқотни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тараққиёт стратегиясидаги яна бир муҳим йўналиш – Ватанимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган.

Шу мақсадда Янги Ўзбекистон хавфсизлиги концепцияси қабул қилинади. Ахборот технологиялари билан боғлиқ хуружларнинг олдини олиш ва киберхавфсизликни таъминлаш тизими яратилади. Фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими такомиллаштирилади. Ички ва ташқи молиявий оқимларни мониторинг қилиш ва бу билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган янги механизмлар жорий этилади.

Президентимиз тараққиёт стратегияси ва йиғилишдаги топшириқларга доир ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси ҳақида кенг жамоатчиликка ҳисобот бериб бориш талабини қўйди.

– Ҳамма ўзгаришларни, дастурларнинг амалдаги ижросини одамлар кундалик ҳаётида ҳар куни сезиши керак. Мана шу асосий мақсад, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Вазирлар Маҳкамасига Тараққиёт стратегияси ва жорий йилги Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳокимликларга ҳудудий дастурларни ушбу ҳужжатлар билан уйғунлаштириб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси қўйилди.

– Ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак, – деди Президентимиз.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқди.

*«Халқ сўзи» газетаси,
2022 йил 27 январь, 18-сон*

Хайрилло ГАППОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Экологик партия фракцияси раҳбари



ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида **«Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, «Инсон қадри учун» деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқариш, бундан буён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади»**, дея таъкидлаган эдилар.

Қайд этиш лозимки, Конституциямизда фуқароларнинг қулай экологик муҳитда яшаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлари кафолатланган, уларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти белгиланган.

Бош қомусимизнинг бир неча моддалари табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига қаратилган. Хусусан, 50-моддада «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб кўрсатилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар томонидан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳамда бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажаришни тақозо этади. Ушбу ҳолат экологик соҳага оид барча қонунларда ҳам аниқ тарзда ўз ифодасини топганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

«Мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулқдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт» деб белгилангани (54-модда) эса ҳар қайси мулк эгаси ўзига тегишли мулқдан фойдаланишда амалдаги экологик қонунлар талабларини бажариши ва уларга тўлиқ риоя этиши лозимлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган 55-моддадаги конституциявий норма билан экологик фаолиятнинг қуйидаги асосий тамойиллари ифодаланган:

биринчидан, табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланади, яъни юридик маънода халқ мулкани ташкил этади ҳамда улар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади;

иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Экология ҳуқуқида оқилона деганда табиий ресурслардан экологик норматив ва стандартларга қатъий риоя этган ҳолда фойдаланиш тушунилади;

учинчидан, табиат объектлари ва ресурслари давлат томонидан қўриқланади. Бу эса давлат томонидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш таъминланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, экологик ҳуқуқ-тартиботга риоя этилиши кафолатланишини англатади.

Асосий қонунимизнинг 100-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларидан бири

этиб белгиланган бўлиб, ушбу қоида вилоят, туман, шаҳарларда маҳаллий вакиллик ва бошқарув органлари зиммасига табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифасини юклайди.

Конституциявий нормалар асосида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган 30 дан зиёд қонун ва 200 га яқин қонуности ҳужжатлари соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллашишида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида мамлакатнинг экологик хавфсизлигини ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 15 та халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 4 та конвенция ва Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картагена протоколи, трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги 2 та конвенция, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Киото протоколи ҳамда Париж битими, Озон қатламни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ва Монреаль протоколи, Чикиндиларни трансчегаравий ташишни тартибга солувчи Базель конвенцияси, Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, Конституция ва қонунларимизда экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўплаб масалалар ўз ифодасини топган ва бу, умуман олганда, мамлакатимизда инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шу билан биргаликда, Бош қомусимиздаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларнинг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшларимиз орасида кенг тунтириш, экологик соҳага оид қонунлар моҳиятини кенгроқ ўргатиш, тарғиб қилиш ҳамда ўз ҳаётимизда изчил қўллашимиз экология соҳасидаги конституцион талабларни мустаҳ-

камлаш ва экологик хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради.

Эътироф этиш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан, сўнгги йиллардаги илоҳотларнинг мантиқий ва амалий давоми сифатида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу жабҳада амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга қатор мақсад ва вазифалар ўрин олди.

Жумладан, «Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш» устувор йўналишидаги 79–81-мақсадлар бевосита аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш; ўрмонлар майдонини кенгайтириш масалаларига қаратилди; «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» устувор йўналишидаги 26-мақсадда давлатхусусий шериклик асосида экология соҳасига инвестиция жалб олиш; «Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш» устувор йўналишидаги 94-мақсадда Марказий Осиёда экология, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш вазифалари назарда тутилди.

Тараққиёт стратегиясидаги тегишли мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг давлат дастурида уларни амалга ошириш бўйича қатор амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Мухтасар айтганда, экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалга оширилиши нафақат юртимизнинг янада ривожланиши ва экологик барқарорлик таъминланишига, балки экологияни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳам ҳал этишга, ҳозирги ва келажак авлодларнинг мусаффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фозилжон ОТАХОНОВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори,
юримдик фанлар доктори, профессор

САМАРАДОРЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Сўнги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, халқ билан бевосита мулоқот қилиш йўналишида мутлақо янги амалиёт шаклланди.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинган Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳам очиқлик ва шаффоқлик тамойиллари асосида, халқимиз олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган 2021 йилда Институт томонидан фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилди ва қуйида бу ҳақда қисқача тўхталамиз.

Биринчи йўналиш – қонунчилик муаммоларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, қонун ижодкорлигининг илмий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалдаги таъсирини ўрганиш бўйича: «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси тартибида **32 та қонун лойиҳаси илмий экспертизадан ўтказилди** ва натижалари бўйича илмий хулосалар парламент қуйи палатасига тақдим қилинди.

Хулосалардаги таклифларнинг аксарияти, хусусан, «Фавқуллодда ҳолат тўғрисида», «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида», «Меҳнат миграцияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида», шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қатор қонун лойиҳаларида ўз ифодасини топди;

жойларда **қонунларнинг амалдаги таъсирини ўрганиш ишлари** олиб борилди. Жумла-

дан, Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда:

биринчи, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан Шўрчи, Нукус ва Бахмал туманларида давлат органлари вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва фуқаролардан иборат респондентлар ўртасида **600 дан зиёд** интервью, **100 га яқин** мансабдор шахслар билан ижтимоий сўровлар ўтказилди;

иккинчи, ҳудудларни стратегик ривожлантириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш мақсадида Нурафшон шаҳри, Нукус ва Деҳқонобод туманларида турли соҳа вакиллари билан иборат **750 нафар** респондент билан интервью ва сўровлар амалга оширилди. Натижалари асосида «**Ҳудудларни стратегик ривожлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиш жараёни кетмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбари фармонида кўра Институт тузилмасида ташкил этилган парламентаризмни ривожлантириш бўйича **БМТ ўқув маркази** томонидан «**Қонун ижодкорлиги**», «**Парламент назорати**» ва «**Маҳаллий вакиллик ҳокимияти**» мавзуларидаги ўқув модуллари асосида Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Ёшлар парламентлари аъзолари, ХДП ва «Адолат» СДП Ёшлар қаноти тузилмалари вакиллари учун ўқувлар ташкил этилиб, юзга яқин ёш парламентарийлар ва сиёсатчиларнинг билим ва малакалари бойитилди.

Иккинчи йўналиш – *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг профессионаллик даражасини оширишга кўмаклашиш бўйича:*

биринчи, қонунчиликдаги долзарб муаммолар юзасидан Қонунчилик палатасига **40 та,** Сенатга **53 та** ахборот-таҳлилий маълумот тайёрланиб, тақдим этилди.

Олий Мажлис палаталари фаолиятини такомиллаштириш йўналишида, хусусан, хорижий парламентларда сиёсий партиялар фракцияла-

ри ўртасидаги ўзаро ғоявий кураш шакллари ва уларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиши, парламент ва депутатлик назорати ва хорижий давлатларда «депутат сўрови» ҳамда «сенатор сўрови» институтлари, хорижий парламентлар спикерлари ўринбосарларининг вазифалари, Болалар омбудсмани фаолияти, хорижий парламентларнинг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ваколатлари, Сенатнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги ролини кучайтириш, парламент аъзоларининг сайловчилар билан ишлаш масалалари бўйича хорижий тажрибалар тадқиқ этилди ва якунига кўра **14 та** ахборот-таҳлилий маълумот тайёрланди;

Иккинчи, депутат ва сенаторларнинг профессионаллик даражасини оширишга кўмаклашиш мақсадида *Конрад Аденауэр* номидаги фонднинг *Ўзбекистондаги ваколатхонаси* ва *USAID*-нинг *Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти бўйича дастури билан ҳамкорликда «Парламент фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг долзарб масалалари», «Қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик иштироки: миллий ва хорижий тажриба», «Ёшлар ва сайлов: электорал маданиятни оширишнинг долзарб масалалари»* мавзуларида халқаро илмий-амалий семинар ва конференциялар ташкил этилди;

Учинчи, депутатлар ва сенаторлар билан ҳаммуаллифликда қатор илмий-оммабоп мақолалар тайёрланди ҳамда марказий босма ва электрон нашрларда эълон қилинди.

Парламент палаталарига 9 та қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда илмий ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашилди.

Учинчи йўналиш – *ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепцияларини ишлаб чиқиш бўйича* Институт ходимлари тегишли илмий-тадқиқот муассасаларида рўйхатдан ўтган ҳолда долзарб масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда Институтда фаолият юритиб келаётган илмий ходимлардан **3 нафари юридик фанлар доктори** ва **4 нафари юридик фанлар номзоди ёки PhD** илмий даражасига эга.

Тўртинчи йўналиш – *парламентаризм, халқаро парламентлараро ташиқлотлар ва хорижий парламентлар иши тажрибасини ўрганиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифлар*

ишлаб чиқиш бўйича МДХ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан кўриб чиқиладиган **19 та модель қонун лойиҳалари** юзасидан палаталарга таҳлилий маълумотлар ва илмий хулосалар тайёрланди. «Тана аъзолари донорлиги тўғрисида»ги ва «МДХ иштирокчи давлатларида соғлиқни сақлаш учун болалар ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида»ги модель қонунлар, бундан ташқари, МДХ давлатларида давлатхусусий шериклик механизмларини ривожлантириш ва қўллаш бўйича тавсиялар, МДХ давлатларининг рақамли ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича тавсиялар ҳамда МДХга аъзо давлатларда босма нашрнинг мажбурий нусхасини электрон шаклда тақдим этиш масаласига умумий ёндашувларни ўрнатиш бўйича тавсиялар лойиҳаларини бунга мисол қилиш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон томонидан МДХ Парламентлараро Ассамблеясига кўриб чиқиш учун «**Органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида**»ги модель қонун лойиҳаси тақдим қилинди ва уни тайёрлашда фаол иштирок этган Институт бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор А.Акилов МДХ ПАда тузилган ишчи гуруҳга раҳбар этиб тайинланди.

Бешинчи йўналиш – *Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индексларидаги ўрнини яхшилаш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини ўрганиб бориш бўйича* Институт Жаҳон мамлакатлари демократияси индексида Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш борасида:

индекс доирасида сўнгги йилларда сезиларли ўсишга эришган **25 та мамлакат**, хусусан, **Финляндия, Норвегия, Канада, Швейцария каби давлатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилди;**

The Economist Intelligence Unit (EIU) тадқиқот марказининг **Демократия индекси методологияси ўрганиб чиқилди** ва унга асосан ўзини ўзи баҳолаш учун «**Демократия индекси бўйича методология**» такомиллаштирилди;

индекс бўйича ишлаб чиқилган намунавий йўриқнома такомиллаштирилди;

мамлакатимизнинг ушбу индексдаги ривожланиш жараёни ҳақидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналиш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборот-

маълумот базаси яратилди.

Юқоридагилардан ташқари, юртимиздаги кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш баробарида қуйидаги йўналишларда ҳам самарали фаолият олиб борилди:

Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг Қонунчилик палатаси ва Сенат масъул ижрочи сифатида белгиланган **13 та банди**даги устувор вазифаларни бажариш мақсадида тегишли ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланди. Улар асосида, мисол учун, Давлат дастурининг 176-банди бўйича «Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича билдирилган таклифлар асосида Оила кодексининг 152-моддаси ҳамда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Президентимиз халқаро майдонда илгари сурган ташаббусларни амалга ошириш бўйича Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси, «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси, Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги халқаро резолюция, Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги БМТ халқаро кодекси ва унинг концепцияси лойиҳалари юзасидан асослантилган таклифлар ишлаб чиқилди ва тегишли инстанцияларга тақдим этилди.

Таҳририят-нашриёт фаолияти: қонунчилик муаммолари ва норма ижодкорлиги соҳасида илмий-амалий тадқиқот материаллари, илмий мақолалар, миллий ва хорижий қонунчилик қиёсий таҳлилини ўз ичига олган Институт муассислигидаги **«Қонунчилик муаммолари ахборотномаси»** даврий журналининг 4 та сони нашрдан чиқарилди;

Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган иккита халқаро конференция материаллари тўплами чоп этилди;

«Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги тарихий нутқи ва унга билдирилган муносабатлар», «Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси» ва «Ҳаракатлар стратегияси – Янги Ўзбекистоннинг мустақкам замани» номли тўпламлар тайёрланди.

Турли давлат ва тармоқ дастурлари, йўл хариталари, стратегиялар ва режалардан 12 тасининг ижросини таъминлашда иштирок этилди, бу борада хорижий тилларда мақолалар, жумладан дунёнинг **3 та** (Россия, Латвия ва Литва) давлатидаги нашрларда эълон қилинди. Институт масъул этиб белгиланган *Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бўйича қиёсий таҳлилларни амалга ошириш режасининг биринчи йўналиши бўйича 4 та* кичик соҳа ва йўналишлар кесимида ахборот-таҳлилий маълумот, инфографика ва таҳлилий-қиёсий жадваллар тайёрланиб, Республика штабига тақдим этилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича «Йўл харитаси»нинг **3 та банди** бўйича **2 та** ахборот-таҳлилий маълумот тайёрланиб, Қонунчилик палатасига юборилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг **5 та банди** бўйича тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига тақдим этилди.

2021 йилда бўлиб ўтган Президент сайловини ташкил этиш жараёнларида Институт ходимлари фаоллик кўрсатишди. Чунончи:

март-май ойларида Давлат бошқаруви академиясида маҳаллий кенгашлар депутатлари, сиёсий партия фаоллари ва ОАВ вакиллари учун ташкил этилган сиёсий ўқувларда ташкилотчи, республика тренерлари ва маърузачилар сифатида иштирок этилди;

май-июнь ойларида сайлов участкалари кузатувчилари учун ташкил этилган ўқувларда Навоий ва Хоразм вилоятларида республика тренерлари сифатида қатнашилди;

август-октябрь ойларида Институт ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш сайловчи» тарғибот лойиҳаси доирасидаги ўқув семинарларда юртимизнинг барча туман (шаҳар)ларидан 20 минг нафар ёшга сайлов қонунчилиги ва парламентаризм фаолиятининг мазмун-моҳияти бўйича машғулотлар ўтилди.

Институт жамоаси сайлов кампанияси давридаги ўқув методик материалларни тайёр-

лашда Марказий сайлов комиссиясига яқиндан кўмаклашди. Сайлов жараёнига доир 20 дан зиёд ахборот-таҳлилий маълумот, қиёсий жадвал ва таклифлар тайёрланди. Хорижий давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Корея Республикаси, Туркия, Россия Федерацияси, Қозоғистон сингари) сиёсий партиялар томонидан сайловлар жараёнида қўлланилаётган PR технологиялар, тарғибот-ташвиқот шакллари ва механизмларини ўрганиш бўйича таҳлиллар шулар жумласидан.

Сайлов қонунчилиги ва жараёнига оид **37 та** илмий-оммабоп мақола эълон қилинди.

Халқаро ҳамкорлик. Мазкур йўналишда **17 та** халқаро конференция, илмий-амалий семинар, давра суҳбати ва учрашув ташкил этилди. Қозоғистон Республикаси «Парламентаризм институти» билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди ва Қозоғистон томони Институт тажрибасини ўрганиш учун ташриф буюрди. Маълумот тарзида айтиш ўринлики, ташкил қилинган вақтдан то ҳозиргача хорижий давлатлар парламентлари ҳузуридаги илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида **12 та** меморандум имзоланган.

Бундан ташқари, Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий раҳбари **Р.Хайне**, USAIDнинг ҳуқуқий ислохотлар дастури директори **Г.Ледбеттер**, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси доимий вакили **М.Димовска**, Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари **Ж.Туней**, Исроил Кнессети (парламенти) Тадқиқот ва ахборот маркази директори **Х.Каин**, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва Мухтор Элчиси **З.Бен Хилел** ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан ўзаро манфаатли учрашувлар ўтказилди.

Халқ билан мулоқот йўналиши. Институт «*Mening fikrim*» веб-порталининг модератори ҳисобланади ва 2021 йилда фуқаролар томонидан **888 та** электрон жамоавий мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг таълим, қурилиш, тадбиркорлик, туризм, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик каби соҳаларга оид **14 таси** веб-порталга жойлаштирилди. Фуқаролар томонидан **1 минг 400 дан ортиқ** изоҳ қолдирилди.

«*Mening fikrim*» веб-порталида оммавий овоз йиғиш учун жойлаштирилган мурожаатлардан **2 таси** етарли овоз тўплади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, «Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини рақамли технологиялар (планшет) воситасида аниқлаш ва ушбу ҳужжатлар ҳайдовчининг ёнида бўлмаганлиги учун жавобгарликни қўллаш амалиётини бекор қилиш ҳақида»ги электрон жамоавий мурожаат юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 271-сонли Қарори, «Туман ва шаҳарларда янги яшил ҳудудларни яратиш ҳақида»ги электрон жамоавий мурожаат юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги 343/38-6-сон Қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, жами аҳолидан келиб тушган 19 та мурожаат ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда илмий ва қонуний асослантирилган жавоблар берилиши таъминланди.

Очиқликни таъминлаш йўналиши Институт фаолиятининг бош мезони саналади. Бу борада Олий Мажлис палаталарининг фракциялари ва кўмиталари билан биргаликда **8 та** давра суҳбати ташкил этилди, Институт ходимлари қонунчиликдаги долзарб масалалар юзасидан ўтказилган **146 та** анжуманда маъруза билан иштирок этишди.

Марказий телерадиоканалларда Олий Мажлис палаталари, қонун ижодкорлиги жараёни ва Институт фаолиятига доир **15 та** лавҳа ва махсус дастурлар тайёрланди.

Марказий босма, электрон ва халқаро нашрларда Институт ходимларининг қонунчиликдаги дозарб масалалар ва амалдаги ислохотлар мазмун-моҳиятига бағишланган **227 та** илмий ва илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинди.

Институтнинг Интернетдаги расмий веб-сайти (www.lprg.uz)да амалий фаолият ва амалдаги қонунчилик моҳияти ҳамда янги қонунлар тарғиботига қаратилган **500 дан зиёд** материал жойлаштирилди.

Ижтимоий тармоқлар (*Facebook, Telegram*) орқали қонунчиликдаги янгиликлар, ҳуқуқий-ижтимоий масалалар бўйича ахборотлар бериб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, бугун Институт Миллий парламентимизнинг чинакам «ақл маркази»га айланди ва унинг фаолият натижалари келгусида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси самарасида ҳам ўз ифодасини топади.

Замира ЭСАНОВА,

Тошкент давлат юридик
университети профессори,
юридик фанлар доктори, профессор

ОТА-ОНА ВА БОЛА ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ- ЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ: ҲУҚУҚ, МАЖБУРИЯТ ВА НИЗОЛАР

Аннотация. Мазкур мақола ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, вужудга келадиган низолар таҳлили ва уларнинг ечимига бағишланган. Унда оилавий низоларнинг вужудга келиш сабаблари, оилавий низолар турлари, низоларни бартараф этиш омиллари ҳақида фикр юритилган ҳамда бу соҳада моддий ва процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Калит сўзлар: оила, ота-она, бола, ҳуқуқ, мажбурият, жавобгарлик, оталик, фарзандликка олиш, алимент, суд.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу правового регулирования взаимоотношений между родителями и детьми, семейных прав и обязанностей, возникающих споров и их разрешения. Кроме того в статье рассматриваются причины возникновения семейных споров, виды семейных споров, факторы способствующие разрешению споров, а также даются рекомендации по совершенствованию материального и процессуального законодательства в этой сфере.

Ключевые слова: семья, родители, ребенок, право, обязанность, ответственность, отцовство, усыновление, алимент, суд.

Annotation. This article is devoted to the analysis of the legal regulation of relationships between parents and children, family rights and obligations, arising disputes and their resolution. In addition, the article discusses the causes of family disputes, types of family disputes, factors contributing to the resolution of disputes, and also provides recommendations for improving substantive and procedural legislation in this area.

Keywords: family, parents, child, right, duty, liability, fatherhood, adoption, alimony, court.

Ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари бола туғилиши муносабати билан ёки қонунда кўрсатилган бошқа асослар (оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчириш усуллари қўллаш натижасида бола туғилиши ва бошқалар)га мувофиқ вужудга келади. Мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар болани тарбиялаш, таълим бериш, моддий таъминлаш ва унга нисбатан ғамхўрлик қилиш ҳаракатларида намоён бўлади.

Давлатимиз томонидан бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш масалаларининг устуворлиги қайта-қайта таъкидланишига, бу борада қатор чора-тадбирлар белгиланишига қарамай, ҳаётда ота-она деган муборак номга доғ тушираётганлар, ўзларининг нолайиқ хатти-ҳаракатлари билан уни суиистеъмол қилаётганлар ҳам топилади. Бундайларга нисбатан эса қонун ҳужжатлари (Оила, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар)да тегишли чоралар белгиланган.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган жавобгарлик турини оила ҳуқуқий жавобгарлик чоралари дейиш ўринли. Унга кўра, оила ҳуқуқий жавобгарликнинг тор

шаклдаги таърифи деганда ота-оналик мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, шунингдек, бажаришдан бош тортиган ота-оналарга нисбатан қўлланиладиган чораларга айтилади ва бунда фақат ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқини бекор қилиш каби чоралар назарда тутилади.

Оила ҳуқуқий жавобгарликнинг кенг шаклдаги таърифи деганда болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва моддий томондан таъминлаш борасидаги мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд бажаришдан бош тортаётган, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини суиистеъмол қилаётган, болалар хулқига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-она ва бошқа қонуний вакиллар, шу билан бирга, тутинган ота-оналарга нисбатан қўлланиладиган чораларга айтилади ва бу нафақат ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ, балки фарзандликни тугатишга, васий ва ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатишга, болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга доир низолар вужудга келишига сабаб бўлади.

Болалар тарбиясига оид ишларни қуйидагича таснифлаш ўринли: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш; ота-оналик ҳуқуқини тиклаш; ота-оналик ҳуқуқини чеклаш; ота-оналик ҳуқуқини бекор қилиш; бола билан кўришиш ҳуқуқини таъминлаш; бошқа шахслар тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш ёки боланинг тарбиясида иштирок этишга қаршиликни бартараф этиш; болани қайси ота-онада қолдириш (қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши) тўғрисидаги низолар; ота-она ва бола ўртасидаги умумий мулкни бўлиш; фарзандликка олиш; фарзандликка олишни бекор қилиш; фарзандликка олишни қайд этилганлик фактини белгилаш; болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилиш ҳақидаги низолар.

Ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари билан боғлиқ низолар

Бундай низолар (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқини бекор қилиш)ни [1] таҳлил қилар эканмиз, ота-оналик мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд бажаришдан бош тортган ота-оналарга нисбатан қўлланиладиган оила ҳуқуқий санкциялар уч турга бўлинади. Унга кўра, болани олиш «ҳимоя чоралари», ота-оналик ҳуқуқини чеклаш «огоҳлантириш чоралари», ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш «жавобгарлик чоралари» сифатида таърифланади.

Бу тоифадаги низоли ишларни судларда кўриб ҳал қилиш таҳлилидан маълумки, бундай ишларни кўриш: **биринчидан**, боланинг оиладаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; **иккинчидан**, ота-она ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш мақсадларини ифодалайди.

Ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини *субъектга кўра қонуний никоҳда бўлган, ўзаро никоҳда бўлмаган* ҳамда **вояга етмаган** ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари тарзида таснифлаш ўринли.

Ота-оналик мажбуриятлари деганда қонунда белгиланган тартибда ота-она томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳаракатлар тушунилиб, уларга болани тарбиялаш, таъминлаш, сақлаш, ҳимоя қилиш, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, боланинг таълим олишини таъминлаш кабилар киради.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш деб малакалаш учун, албатта, бу ҳаракатлар ҳақиқатда ота ёки она томонидан амалга оширилгани факти, уларнинг хулқ-

атворида айбнинг мавжудлиги ва қасддан содир этилгани, ота-оналик мажбуриятлари узлуксиз равишда бажарилмагани эътиборга олинади.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш тушунчасини қуйидаги: ота-она ўз болаларини тарбиялаши шарт эканлиги мажбурияти бузилган; ота-она ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт эканлиги мажбурияти бузилган; ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги мажбурияти бузилган ҳолатлар ва бошқалар билан изоҳлаш мумкин.

Болани қайси ота-онада қолдириш (уларнинг қай бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши) тўғрисидаги низолар

Бу тоифадаги низолар – болалар тарбияси билан боғлиқ низолар туркумига хос бўлиб, асосан, никоҳдаги, аммо бирга яшаётган ота-оналар, никоҳдан ажрашган ота-оналар ўртасида вужудга келади. Бунда болаларни ота ёки онада қолдириш, бола (лар)нинг бирини отада, иккинчиси ёки бошқаларини онада қолдириш ҳақида талаблар юзага келади. Суд амалиётида бундай низолар бўйича алимент ундиришга қадар ёки алимент ундириш ҳақидаги суд қарори чиққандан кейин ёхуд болани тарбиялаётган она ёки ота у (лар)ни қолдириб, бошқа никоҳга кирганда ёхуд хорижий давлатларга кетган ҳолатларда бобо-буви ёки бошқа шахслар қарамоғидаги бола (лар)ни улардан олиш мақсадида даъво қўзғатилади. Бундай ҳолатда ота-она ўртасида бола (лар)ни кимда қолдириш ҳақида келишув (медиатив келишув) бўлмаган ҳолларда судга тегишли низо вужудга келади.

Суд бошқа-бошқа яшайдиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қай бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши ҳақидаги низоларни ҳал этишда Оила кодекси 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болалар манфаатлари ва хоҳишларига мос ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим.

Суд 10 ёшга тўлган бола ота-онасининг қай бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин. Вояга етмаган болалар ота-онасининг қай бири билан яшаши ҳақидаги низо никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво билан биргаликда ҳал этилаётган ҳолларда болалар бошқа шахсларнинг тарбиясида эканлиги ва улар болаларни ота-онасига қайтаришга қаршилик кўрсатаётганлиги аниқланса, суд бу низони алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қарда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Болани кимда қолдириш (ота ёки онада), болани олиб бериш тўғрисидаги ишларни кўришда суд томонидан қуйидагилар: боланинг ота-она, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлиги; ота-онанинг қай бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўр ва эътиборли эканлиги; болаларнинг ёшини ва ота-онадан қай бирига кўнгул қўйганлиги; ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари; ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатлар; болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароит (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқа)лар; боланинг яшаш шароити (унга яратилган шароит) ҳолати; 10 ёшга тўлган боланинг отаси ёки онаси билан яшаш истиаги борлиги; васийлик ва ҳомийлик органининг ҳуросаси эътиборга олиниши зарур.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бола манфаатларининг устунлиги ва унинг келгуси тақдири суд учун энг муҳим омил саналади. Суднинг ҳал қилув қароридан кўрсатилган процессуал ҳаракатлар ижро ишини юритишда босқичма-босқич амалга оширилади. Аммо бунда боланинг таъминоти ҳамда унинг яшаш ва таълим олиш манфаатлари, алоҳида яшаётган ота (она), ака-ука, опа-синглиси ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришиб туриш имкониятлари тўлиқ таъминланиши шарт.

Фарзандликка олиш ва уни бекор қилишга доир ишлар

Фарзандликка олиш институти – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштириш шакллари билан бири саналади. Назарий ва амалий қоидаларга кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни қуйидагича таснифлаш мумкин: фарзандликка олишни алоҳида тартибда иш юритиш асосида расмийлаштириш; фарзандликка олишни бекор қилишни даъво тартибда иш юритиш асосида ҳал этиш; фарзандликка олишни қайд этилганлик фактини юридик аҳамиятга эга бўлган факт сифатида алоҳида тартибда иш юритиш асосида белгилаш.

Оила тўғрисидаги ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишга доир қонун ҳужжатларига кўра, фарзандликка олиш фуқаролик ишлари

бўйича судлар томонидан [2] алоҳида иш юритиш тартибда амалга оширилади [3].

Фарзандликка олиш – болани фарзандликка олишни истаган шахс (лар)нинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳуросаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш даъво ишларини юритиш тартибда ҳамда оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган асослар бўйича амалга оширилади. Мазкур фуқаролик иши моддий ва процессуал ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган низо тури саналади.

Оила кодексининг 169-моддасида фарзандликка олишни бекор қилиш асослари, 170-моддасида фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилган. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар ҳам умумий даъво тартибда қўлланиладиган барча процессуал ҳаракатлардан иборат бўлади.

Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида суд ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда қуйидаги оқибатлар келиб чиқади: фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онасининг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади; бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади; боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек, болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади; суднинг ҳал қилув қароридан фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исми сақланиши ёки сақланмаслиги кўрсатилиши керак; ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олишни қайд этилганлик фактини юридик аҳамиятга эга бўлган факт сифатида алоҳида тартибда иш юритиш асосида белгилаш

Фарзандликка олишни қайд этилганлик фактини белгилашда суд ушбу факт қандай мақсадда аниқланиши лозимлигини, иш бўйича манфаатдор шахслар доирасини тўғри белгилашни, ушбу факт қайси далиллар билан тасдиқланишини аниқлаши шарт. Объектив ва субъектив омиллар (ҳолатлар) сабабли йўқолган (топиш имконияти йўқ) ҳужжатлар, охирига етказилмаган ҳаракатлар, судсиз тартибга солиш имконияти бўлмаган ҳужжатлар, аммо бу фактни белгилаш аризаچига зарур бўлиши ва муайян оқибат туғдириши мазкур фактни суд орқали аниқлаш ва белгилашга эҳтиёж туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда асосан катта оила (бобо-буви, ота-она ва болалар) ва кичик оила (ота-она ва болалар) таснифи амал қилади. Оилаларнинг бундай таснифланиши ва ҳуқуқий мақомининг белгиланиши оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари амалиётга тўғри татбиқ этилишини таъминлаш нуқтаи назаридан айнан зарур. Аммо *энг асосийси* – оила субъектларининг шу оила, жамият ва давлат олдидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаб етишидир. Аксинча, оила бошлиғи бўлган ота-оналар томонидан ўз мажбуриятлари ва шахсий масъулияти амалда таъминланмас экан, оилавий низолар сони ва турлари ортиб бораверади.

Ташвишга солаётган масала шуки, муаммо оила аъзолари сонидан эмас, балки оила субъектларининг ўз оилавий муносабатларига масъулият билан ёндашувида, бобо-бувиларнинг ўсиб келаётган ёшлар тарбияси ва маънавиятининг ижобий таъсирида кўринади. Шу билан бирга, ҳудудларда у ерда яшовчи давлат мукофоти соҳиблари, фан, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кўп йиллик тажрибага эга ходимлар, меҳнат фахрийлари, нурунийлардан иборат комиссиялар ишини йўлга қўйиш ва уларнинг иш натижаларини рағбатлантириш, аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юқори самара беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида, қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

биринчидан, илмий тадқиқотларда медиа-

ция – бу низолашувчи тарафлар ўртасида низоларни мустақил, холис (бетараф) бўлган учинчи шахслар (медиаторлар) томонидан иккала тарафга ҳам ўзаро фойдали ҳал қилиш (ўзаро мақбул қарорга келиш) усули эканлиги таъкидланган. Медиацияни қўллашнинг ўзига хос принциплари ва жорий этиш усуллари мавжуд. Оилавий медиацияда никоҳ муносабатлари тугалланиши ҳам мумкин бўлган жараён, ота-оналик муносабатларига эса бир умр давом этувчи жараён сифатида қаралади ва шунга биноан **таъсирчан медиатив процедуралар ўтказилиши низоларни ҳал этишда судга қадар шартли процедура сифатида эътироф этилиши керак**;

иккинчидан, медиатив келишувни никоҳни тугатиш, оталикни белгилаш, эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш, болалар тарбияси ва таъминоти билан боғлиқ айрим низолар, шунингдек, алимент ундириш тўғрисидаги низолар бўйича амалга ошириш самара беради. Бу кўпгина хорижий мамлакатлар (АҚШ, Россия, Финляндия, Австрия, Нидерландия, Дания, Ирландия, Норвегия, Сингапур ва бошқалар) қонунчилиги ҳамда амалиётида татбиқ этиб келинмоқда ва ўзини оқлаётгани диққатга сазовор. Шу муносабат билан, *Оила кодексининг 11-моддасини қуйидаги тахрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади*: **«Ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида кўрсатилган низоларни ҳал қилишда медиация тартиб-таомилларини қўллаш мумкин»**;

учинчидан, суд ва бошқа органларга, жумладан медиаторга мурожаат қилувчиларга қулайлик яратиш, кам таъминланган, моддий жиҳатдан қийналган аҳоли (хусусан тарафлар)нинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бундан ташқари, ўзини оқлаётган баъзи хорижий давлатлар (Нидерландия, Россия ва бошқалар) тажрибасини ўрганиш натижалари асосида **оилавий низоларни ҳал этишда, жумладан болалар тарбияси (болани ота ёки онада қолдириш) билан боғлиқ айрим низолар бўйича медиация муҳокамасини ўтказишда тарафларга бепул (текин) медиация хизматини амалга ошириш борасида муайян имтиёзлар берилиши (хусусан, медиатив келишув тўловларидан озод этиш) таклиф этилади**.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова // <https://lex.uz/docs/104720>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/104720#159489>.

Абдуманноб РАХИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчи докторанти, юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатлари, парламент қонун ижодкорлиги, парламент назорати, шунингдек парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: конституция, қонун, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, қонун ижодкорлиги, парламент назорати, ўзаро муносабатлар.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы парламентского законодательства, парламентского контроля, взаимоотношения Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Кабинета Министров, а также дальнейшего совершенствования правовых основ парламентской деятельности.

Ключевые слова: конституция, закон, законодательная власть, исполнительная власть, законодательство, парламентский контроль, взаимоотношения.

Annotation. The article deals with the issues of parliamentary lawmaking, parliamentary control, the relationship between the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and the Cabinet of Ministers, as well as further improvement of the legal framework for parliamentary activities.

Keywords: constitution, law, legislative power, executive power, lawmaking, parliamentary control, relationship.

Президентимиз «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини кучайтириш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш, шунингдек, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколатларини янада кенгайтириш, унинг қонун ижодкорлиги фаолиятини, жумладан, ҳаволаки қонун нормаларидан воз кечиш, тўғридан-тўғри тартибга солувчи қонун нормаларини қабул қилиш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида урғу берди [1]. Қолаверса, вакиллик ва ижро ҳокимияти ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш [2] вазифаси мамлакатимиз қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларининг ўзаро муносабатини янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига олиб чиқмоқда. Яъни қонун қабул қилиш Олий Мажлис зиммасида бўлса, унинг ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси ҳиссасига тўғри келади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги парламентнинг ҳукумат билан ўзаро муносабатлари таҳлил қилинса, ҳокимиятлар бўлиниши принципида мувозанат кўпроқ ижро этувчи ҳокимият томонига тош босишини кўраимиз. Бундай ҳолатни қатор ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам куза-

тиш мумкин. Масалан, Қозоғистонлик олим О.Кобаевнинг фикрича, кенг ваколатлари ва кучли аппарати билан ижро этувчи ҳокимият нафақат қонун чиқарувчи, балки суд органлари ваколатларини ҳам ўзлаштиришга қодир бўлади. Шу боис, ижро ҳокимияти фаолияти парламент назорати ва унга ҳисобдорлик асосида, фақатгина қонун доирасида амалга оширилишини таъминлаш орқали у томонидан ҳокимият монополлаштирилишига мустаҳкам тўсиқ қўйиш лозим [3]. Лекин қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро ҳокимияти фаолиятига керагидан ортиқ аралашувига йўл қўйиш ҳам асло мумкин эмас.

Илмий адабиётларда бу икки ҳокимиятнинг ўзаро муносабатлари хусусида турли фикр ва қарашлар мавжуд. Рус олими Ю.Н.Стариков давлат ҳокимияти бўлиниши принципи нафақат вакиллик ва ижро ҳокимиятлари ўзаро тенглигини, давлат ҳокимияти монополлаштирилмаслигини, балки улар ўртасидаги алоқалар соғлом рақобат муҳитида ва ҳамкорликда ташкил этилишини ҳам англатишини таъкидлайди [4].

В.Е.Чиркин ҳам шунга яқинроқ, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар тармоқларининг ҳамкорлиги ва алоқадорлиги жуда зарурлиги ҳақида фикр беради. Бундай ҳамкорлик «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» ғояси билан бир қаторда ҳозирги за-

мон давлат ҳокимияти бўлиниши принципнинг муҳим ва ажралмас қисмидир [5].

Юртимиз ҳуқуқшунос олимлари ҳам бу борада фикрларини баён этишган. Масалан, Р.Ҳакимов «қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг бир-биридан мустақиллиги ва бир-бирини тийиб туриши билан бирга, давлат олдида турган умуммиллий вазифа ва функцияларни ҳал қилиш учун улар ўртасида мустаҳкам ва самарали ҳамкорлик ҳамда узвий алоқадорлик ўрнатиш заруратини ҳам тақозо этади» деб ёзади [6].

Ўрганиш натижасида Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари кўриш мумкин: ижро ҳокимияти тизими ва ваколатларини белгилаш; Вазирлар Маҳкамаси тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; Президент тақдимида биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш; ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланишда парламент билан ўзаро муносабатларга киришиши; парламент палаталари, шунингдек улар органлари мажлисларида ҳукумат аъзоларининг иштироки; жойларда қонунлар ижроси самарадорлиги жараёнида, парламент назорати ва «ҳукумат соати» давомида, хусусан, парламент сўрови билан мурожаат қилинганда ёки ҳукуматдан муайян масала юзасидан тушунтириш сўралганда ва шу каби муносабатларда ўзаро ҳамкорлик.

Маълумки, Конституциямизнинг 78-моддасига мувофиқ, ижро ҳокимияти органлари тизими ва ваколатларини белгилаш Олий Мажлисининг мутлақ ваколати ҳисобланади. Чунки парламент ўзининг қонун чиқарувчи ваколати билан бошқа давлат ҳокимияти органларига, хусусан, ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир ўтказиш имкониятига эга. Халқ ҳокимиятчилиги мазмун-моҳияти ҳам аслида мана шунда. Рус олими Б.В.Россинскийга кўра, ижро этувчи ҳокимият ўз табиатига кўра бутун давлат ҳокимиятини намоеън этиб, унга хос бўлган барча функцияларни бажарар экан унинг тизими парламент томонидан қонунларда белгилаб берилиши лозим [7].

Давлат бошлиғининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида **«Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир»** деган ғоя илгари сурилган [8]. Шу нуқтаи назардан олганда Олий Мажлисининг мам-

лакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатини янада такомиллаштириш масаласи кун тартибига чиқди. 2019 йилда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Қонунга Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламент палаталарига Президент Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши мазмунидаги норманинг киритилиши ҳукумат бошлиғининг парламент олдидаги жавобгарлик институтини янада кучайтирди. Бу, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш баробарида депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш, фракцияларнинг долзарб масалалар бўйича ўз сайловчилари манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

Давлат ҳокимият тизимида парламент ва ҳукумат муносабатларининг муҳим босқичи парламентнинг қонун ижодкорлиги жараёнида янада яққол намоеън бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг бу жараёндаги иштироки бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига нисбатан анча юқори бўлиб, бу унинг қонунлар ижросини бевосита таъминлашга масъул ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг локомотиви эканлиги билан изоҳланади.

Яна бир эътиборли жиҳати, сўнги йилларда ҳукуматнинг парламентдаги ваколатли вакили институти жорий қилиниши қонун лойиҳаларини тайёрлашда, умуман олганда, қонун ижодкорлиги фаолиятида Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг, давлат, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис палаталарининг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнининг таҳлили қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари орасида қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритишда Вазирлар Маҳкамаси анча фаол эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, биргина 2021 йилда Қонунчилик палатасига тақдим этилган 131 та қонун лойиҳасидан 93 таси Вазирлар Маҳкамаси ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг аксарият қисми Президент фармонлари ва Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Ҳукуматнинг қонун ижодкорлигидаги фаол иштироки хорижий давлатларнинг бу борадаги

тажрибасига ҳам тўла мос келади. Ўрганишлар шундан далолат берадики, *дунёдаги 70 га яқин давлатнинг қонунчилик амалиёти таҳлилига кўра, уларнинг 30 дан ортиғида қонун лойиҳаларининг 90-100 фоизи парламентга айнан ҳукумат томонидан киритилган. Қолганларида эса бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилади. Ҳукумат киритган қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши амалиёти ўрганилганда 60 та давлатдан 42 тасида бу кўрсаткич 90-100 фоизни, 9 тасида 80-90 фоизни, 4 тасида 70-79 фоизни ташкил этишига гувоҳ бўлиш мумкин* [9].

Айрим ҳуқуқшунос олимлар ижтимоий ҳаёт шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда қонунларнинг замондан орқада қолаётганлигига эътибор қаратиб, бунда қонунларга ўз вақтида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини зудлик билан қабул қилиш лозимлигини ҳамда бу борада айнан ҳукумат асосий ташаббускор бўлиши кераклигини таъкидлашади [10].

Ушбу фикрга нисбатан ҳуқуқшунос олим Р.Ҳакимов «бу олимларнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда қонунчилик жараёнининг ҳар қандай босқичида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектларига нисбатан, шу жумладан ҳукуматга нисбатан ҳам депутатлар етакчи мавқега эга бўлиши керак» [11], деб ёзади.

Албатта, бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки ижро этувчи ҳокимият ўз номи билан ижроқидир. Ислохотлар қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқий асослари, яъни қонунлар ижросини таъминлаш, энг аввало, ҳукумат зиммасида бўлади. Демак, у қандай қонунга эҳтиёж борлигини ҳаммадан кўра кўпроқ билади. Бироқ ҳукуматнинг парламентга қонун лойиҳаларини киритишида асло идоравий манфаат бўлмаслиги керак. Қонун лойиҳаларини идоравий манфаатлар тарзида киритиш ҳолатлари кузатилса, бундай ҳолатга депутатлар дарҳол чек қўйишлари лозим.

Қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим йўналишлардан бири – бу Олий Мажлиснинг Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан Давлат бюджетини қабул қилиши ва ижросини назорат қилишидир. Кўпгина ривожланган давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам давлатнинг асосий молиявий ҳужжатини қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш парламент палаталарининг биргаликдаги ваколатига берилган.

Бюджет кодексининг 170-моддасида [12] давлат молиявий назорати давлат молиявий назорат органлари томонидан шу органлар ёки ваколатли орган тасдиқлайдиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширилиши

кўрсатилган. Айрим ҳолларда, режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида йўл қўйилади.

Бизнингча, **режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати Қонунчилик палатасига ҳам берилса мақсадга мувофиқ бўлади.** Чунки қуйи палата депутатларига ҳам бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушиши мумкин ва бундай ҳолларда давлат молиявий назорат органлари қуйи палата қарорига асосан режадан ташқари молиявий назоратни амалга ошириши фойдадан холи бўлмайди. *Энг муҳими, йил якунида бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги тўғрисидаги кўрсаткичлар камайган бўлар эди.*

Албатта, бу таклифни бежиз бераётганимиз йўқ. Чунки Олий Мажлис ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларидаги муҳим йўналишлардан бири бевосита парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ. 2016 йил 11 апрелдан кучга кирган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда парламент назорати институтини янги босқичга олиб чиқди ва бунгача, очиқ айтиш керак, парламент назоратини амалга ошириш қоидалари фақат палаталар регламентларида белгиланган бўлиб, парламент сўровини кўриб чиқиш ва унга қандай тартибда жавоб бериш, уни муҳокама қилиш тамойиллари эса аниқ кўрсатилмаган эди.

Мазкур Қонунда парламент назоратининг объектлари, субъектлари, уни амалга ошириш шакллари, «парламент сўрови», «Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг сўрови», Вазирлар Маҳкамасининг Президент Мурожатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш (ҳукумат соати) ва бошқа қатор масалаларнинг аниқ белгилаб берилиши ушбу институт самарадорлиги ошишига имкон берди.

Масалан, биргина 2021 йилда Қонунчилик палатаси томонидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раисларига **16** маротаба парламент сўрови юборилган ва уларга жавоблар тегишли мажлисларда эшитилган, шунингдек, **23** маротаба парламент эшитуви ташкил этилган [13]. Авваллари парламент назоратининг бу икки институти деярли фарқ қилмаган. Лекин бу тажриба дунё парламентаризми амалиётида

мавжуд эди. Фақат бизда уни амалиётга қандай татбиқ этиш механизми бўлмаган.

Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов 2022 йил 5 февралда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган **«Тараққиёт стратегияси — кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси»** номли мақоласида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан юртимизда демократик ислохотларни олиб боришда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталарига қўшимча ваколатлар берилганини эътироф этиб, қуйидаги назорат йўналишлари янада такомилга етганлигига, яъни:

биринчидан, ҳукуматнинг Давлат дастури ижроси бўйича парламент олдида ҳар чорақда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилгани;

иккинчидан, мунтазам ўтказиладиган «*ҳукумат соати*» институти жорий этилгани ва бу парламент назорати фаолиятига янги руҳ бериб, жойларда аҳоли муаммоларини ҳал этишда ижро ҳокимияти билан энг самарали ҳамкорлик усулига айлангани, масалан, 2021 йилда 7 мартта «ҳукумат соати» ўтказилиб, уларда жами 8 нафар ҳукумат аъзосининг долзарб масалалардаги депутатлар саволларига жавоблари эшитилгани;

учинчидан, ижро ҳокимиятининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартибини янада демократлаштириш мақсадида Бош вазир тақдимига биноан ҳукумат аъзолари номзодларини Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш амалиёти жорий этилгани, номзодларнинг муайян соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддатга ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат

дастури билан депутатлар олдида чиқиш тизими йўлга қўйилгани, жумладан, 2021 йилда ҳукумат аъзолигига 9 нафар номзод палата мажлисларида кўриб чиқилгани;

тўртинчидан, парламент назорати объеклари қаторига хўжалик бошқаруви органлари ҳам киритилгани ва ушбу органлар мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш натижадорлиги ошгани;

бешинчидан, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистон томонидан бажаришга, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларини янада яхшилашга доир режалар ижросини назорат қилиш ҳам парламент амалиётига кириб келганига тўхталиб ўтган.

Шунга қарамасдан, дастлаб таъкидлаганимиздек, Президентимизнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга оид кўрсатмалари ушбу институтни янада такомиллаштириш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Бизнингча, **Ҳукумат томонидан мамлакат иқтисодиётининг бирон-бир тармоғини ривожлантириш учун четдан молиявий маблағлар жалб этиш, яъни ташқи қарз учун келгусида, албатта, Олий Мажлис розилигини олиш амалиётини жорий қилиш керак бўлади.** Агар ушбу масалани кўриб чиқиш Олий Мажлис палаталари ваколатига берилдиган бўлса, демак, унинг ижросини назорат қилиш ҳам Олий Мажлис палаталари ваколатида бўлади. Бу эса, ўз навбатида, давлат ташқи қарзининг самарадорлигини оширади ва унинг мақсадли сарфланишини таъминлашга хизмат қилади.

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 24 б.

3. Копабаев О.К. Конституционно-правовые основы организации государственной власти в Республики Казахстан в соответствии с принципом ее разделения на ветви. Алматы: жеті жарғы, 1999. – С. 143-144.

4. Стариков Ю.Н. Курс общего административного права. Т. 1. – М.: Норма, 2002. С. 67.

5. Чиркин В.Е. Основы сравнительного государственного права. – М.: Юрист, 2001. – С.85.

6. Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. – Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти – Тошкент.: 2021. – 71 б.

7. Исполнительная власть в России. История и современность, проблемы и перспективы развития – Новая Правовая культура, 2004 г. – С. 78-81.

8. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – 88 б.

9. Правительство Российской Федерации // Под. Ред. Т.Я.Хабриевой. – М.: Норма, 2005. –С. 499.

10. Окуньков Л.А., Рошин В.А. Вето Президента. Научно-парктическое пособие. М.: 1999. – С. 45.

11. Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – масъул муҳаррир: ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. – Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти – Тошкент.: 2021. – 82 б.

12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон;

13. <https://parliament.gov.uz/requests/>.

Ўтқир ОЧИЛОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бўлим бошлиғи,
юримдик фанлар номзоди, доцент

ҲУҚУҚНИНГ АХЛОҚИЙЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Аннотация. Мақолада ҳуқуқнинг ахлоқийлиги мазмуни масаласи ҳуқуқий натурализм ва позитивизм баҳси доирасида ҳуқуқ рамзларини ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ рамзлари, ҳуқуқий семиотика, ҳуқуқнинг адолатлилиги, ҳуқуқнинг ахлоқийлиги, миллий ирода ва мақсадлар, ҳуқуқий ҳулқ-атвор модели.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы нравственного содержания права с точки зрения изучения символов права (правовой семиотики) в рамках полемики правового натурализма и позитивизма.

Ключевые слова: символы права, правовая семиотика, справедливость права, нравственность права, национальная воля и цели, модель правомерного поведения.

Annotation. The article deals with the issues of the moral content of law from the point of view of studying the symbols of law (legal semiotics) within the framework of the debate between legal naturalism and positivism.

Keywords: symbols of law, legal semiotics, justice of law, morality of law, national will and goals, model of lawful behavior.

Жамиятни янгилаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнлар негизда ҳуқуқий тизим модернизацияси ётади. Модернизация ғояси ҳуқуқнинг жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида бирлашишини таъминлайдиган, умуминсоний ва миллий қадриятлар билан боғланган, жамият аъзолари ўртасида ўзаро келишув воситаси сифатидаги ўрнини ўрганишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: **«Янги Ўзбекистон – демократик қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатидир»**, деб ёзади [1]. Бунда ҳуқуқ инсондан бегоналаштириб бўлмайдиган, жамиятда биргаликда яшаш ва мулоқот жараёнида ривожланадиган, доимий янгиланадиган коммуникатив жараён сифатида қабул қилинади.

Бугунги кунда миллий маданият, қадрият ва анъаналарнинг тафаккур тарзига таъсир қилиши ҳисобга олиниб, турли маданиятларда қонунчилик ва ҳуқуқий амалиёт нималарга таяниши масаласини ўрганиш талаб қилинмоқда. Шу билан боғлиқ равишда миллий маданият, қадрият ва анъаналарни ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий онг ва маданият билан боғлаб турадиган ҳуқуқ рамзларини ўрганиш доирасида ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласини муҳокама қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Куйида ушбу масалани ҳуқуқий натурализм, ҳуқуқий позитивизм ва ҳуқуқ рамзла-

рини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳокама қилиб кўрамиз.

Немис ҳуқуқшуноси, ҳуқуқий натурализм намояндаси Роберт Алекси ўзининг «Ҳуқуқ тушунчаси ва воқелиги» асарида ҳуқуқнинг икки жиҳатли воқелик экани, унда *идеал* (ғоявийлик) ва *реал* (амалийлик) жиҳатлар мужассамлиги ҳақидаги ғояни илгари суради [2]. Унга кўра, ҳуқуқнинг амалийлиги унинг ижод қилиниши ва амалда қўлланиш самараси, ғоявийлиги эса ахлоқий тамойилларга мувофиқлиги билан белгиланади [3].

Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқий тизимнинг мажбурий таркибий қисми бўлиб, улар ахлоқийликка тааллуқли принципларни ҳам ўз ичига олади. *Принципларнинг икки томонлама жиҳати* – бу уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуққа, ҳам ахлоққа тааллуқлилигидир. Ахлоқий принциплар мазмунан ҳуқуққа сингдирилгани учун ҳуқуқ ижодкори ва ҳуқуқни қўлловчи ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий мезонларга таянади ва ҳуқуқнинг ахлоқийлик талабларига амал қилади.

Америкалик ҳуқуқшунос Лон Фуллер қонунлар ахлоқийлигининг икки турини – **«ташқи ахлоқийлик»** (қонунлар мазмунига қўйиладиган ахлоқий талаблар) ва **«ички ахлоқийлик»** (қонунчиликда ички тартиб-таомилларга риоя қилиниши)ни бир-биридан ажратади. У қонунчиликнинг адолат тамойили тартиб-таомилларига хос бўлган талабларини ҳуқуқнинг «ички ахлоқийлиги» деб номлайди. Унинг фикрича,

ички ахлоқийликка риоя қилиниши эзгуликка интилишни келтириб чиқаради. Унга кўра, нацистлар қабул қилган қонунлар фақат «ташқи ахлоқийлик»ка зид бўлганлиги учунгина эмас, балки «ички ахлоқийлик»ка, яъни қонунчилик тартиб-таомилларига ҳам мувофиқ бўлмагани учун ҳуқуқ ҳисобланмайди ва одамлар уларга бўйсунмасликка ҳақли эди [4].

Л.Фуллер қонунларнинг ахлоққа зидлигини келтириб чиқарадиган қуйидаги саккиз асосни кўрсатиб ўтади:

ҳуқуқий нормани ўрнатишга лаёқатсизлик;

қонунларнинг эълон қилинмаслиги ва аҳолига улар билан танишиш имконияти берилмаслиги;

орқага қайтиш кучига эга қонунлар қабул қилиш амалиётининг суиистеъмом қилиниши, қонунларни орқа (ўтиб кетган) сана билан тасдиқлаш амалиётидан фойдаланиш;

қонунларни тушунарли яратишга лаёқатсизлик;

бир-бирига зид қонунлар қабул қилиш;

бажариш имконияти бўлмаган талаблар қўядиган қонунлар чиқариш;

фуқароларга ўз хулқ-атворини қонунчиликка мувофиқ бошқаришга имкон бермайдиган даражада қонунларни тез-тез ўзгартириб туриш;

қонунлар билан уларнинг қўлланилиши ўртасида номувофиқлик.

Ҳуқуқнинг «ички ахлоқийлиги» принциплари ҳуқуқий тизимнинг ахлоқийлиги даражасини кўриш ва мувофиқ муносабат билдириш имкониятини беради. Ҳуқуқнинг «ички ахлоқийлик» принципларидан ҳар қандай чекиниш масъулиятли инсоннинг кадр-қимматини ҳақоратлаш бўлиб, бу принципларга риоя қилмасдан туриб инсонлар хатти-ҳаракатини умумий нормаларга бўйсундиришнинг имкони йўқ. Жамиятда ҳуқуқнинг амалийлиги ёки амалий эмаслиги мансабдор шахсларнинг «ички ахлоқийлик» принципларига риоя қилишдан иборат бўлган ахлоқий бурчларини бажаришига боғлиқ.

Л.Фуллерга кўра, қонунларни қўллашга масъул бўлганларнинг ўзи назар-писанд қилмайдиган қонунларга бўйсунушнинг маъноси йўқ. Ҳуқуқ ижодкори мазкур принципларга зид бўлган нормаларни яратишдан ўзини тийиши керак, чунки бу унга ҳокимиятни ишониб топширган жамият аъзолари олдидаги ахлоқий бурчдир. Шунинг учун ҳуқуқда том маънода ахлоқийлик мавжудлигини ҳамда

ҳуқуқ билан ахлоқни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини тан олиш керак [5].

Неопозитивизм асосчиси, инглиз ҳуқуқшуноси Герберт Харт ҳуқуқнинг ахлоқий мазмунга эгаллигини тан олади ва ҳуқуқнинг «минимал ахлоқий мазмуни» тўғрисидаги ғояни илгари суради. Унга кўра, ахлоқий кўрсатмалар инсон хулқ-атворини тартибга солувчи воситалардан бири бўлиб, ҳуқуқий нормаларда ахлоқий мазмун сингдирилган бўлади ҳамда исталган давлатнинг ҳуқуқий тизими фундаментал ахлоқий тасаввурларни келтириб чиқаради.

Г.Харт «ҳуқуқ устуворлиги», «адолат», «эркинлик» тушунчаларини ахлоқнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилади. Унга кўра, ҳуқуқ устуворлиги ахлоққа зид қонунларни инкор қилади, лекин мустабид тузумда ҳуқуқ устуворлиги ахлоқсиз мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Қонундан ҳар қандай мақсадда, масалан, мустабид тузумни кучайтиришда ҳам ёки аксинча, камбағаллар ҳимоясини таъминлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, турли жамиятларда ҳуқуқ ва ахлоқ учун хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Айрим жамиятларда ахлоқ жазоловчи, шафқатсиз, жаҳолатда қолган ёки бидъатпараст бўлиши ҳам мумкин, ижтимоий ахлоқ ҳукмрон тоифаларни ҳимоя қилиб, қуллар ва деҳқонларнинг тақдирини уларнинг хўжайинлари қўлига топшириб қўйиши ҳам мумкин [6]. Бунга Қадимги дунё ёки Ўрта асрлардаги давлатларнинг аксарияти, айрим замонавий давлатлар мисол бўла олади.

Шунингдек, Г.Харт «бундай бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германияда судлар тўқнаш келган ҳолатни қандай баҳолаш керак: фашистлар Германиясининг ахлоқсиз қонунлари асосида жамиятни бошқарган ва ахлоқсиз, адолатсиз қилмишлар содир этган шахслар жазога лойиқ эдими?» деган саволни ўртага қўйиб, бу муаммони ахлоқсиз қонунларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий деб тан олиш тўғрисидаги ғоя билан ҳал қилиб бўлмайди, ҳуқуқни тушунишда ҳақиқий бўлмаган қонунни ахлоқсиз қонундан ажратиш – бу муаммоларнинг мураккаблиги ва бошқа-бошқа эканлигини кўришга имкон беради, деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) нуқтаи назаридан ҳуқуқ кадриятларни ифодалайдиган рамзий шакллар, моделлардан иборат [7].

Ҳуқуқ рамзлар ва белгилардан иборат тизим сифатида қаралса, ҳуқуқ ижодкори у ёки бу ижтимоий муносабатларга тааллуқли ҳуқуқни (ҳуқуқий хулқ-атвор моделини) шакллантириш учун дастлаб жамият иродасини ва жамиятда амалда шаклланган ижтимоий муносабатларни аниқлайди. Қонун чиқарувчи томонидан жамият иродаси миллий ирода ва мақсадлар шаклида ўрнатилиб, у ҳуқуқнинг (хулқ-атвор моделининг) ғоясини, мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Миллий ирода ва мақсадлар мазмунида ахлоқий асослар муҳим ўрин эгаллайди. Улар жамиятда шаклланган ижтимоий ахлоққа асосланади. Ижтимоий ахлоқ умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан бирга миллий маданий қадриятларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам эркинлик, тенглик, адолат каби ахлоқий мезонларнинг турли жамиятларда турли маънода тушунилиши тўғрисида гапириш мумкин.

Умумий кўринишда, масалан, Европа маданиятида эркинлик, тенглик ва адолат мезонлари уларни мутлақ тушунишга асосланса, Шарқ мамлакатларида бу мезонлар миллий-маданий қадриятлар талаби билан йўғрилган мазмунга эга бўлади, яъни миллий қадриятлар доирасида талқин қилинади. Миллий-маданий қадриятларга таянмаган ирода эса жамият аъзоларига бегона ва тушунарсиз бўлиши мумкин. Агарда миллий-маданий ахлоққа зид мазмундаги қонунлар қабул қилинса, инсонлар уларни ахлоқсиз ва адолатсиз қонунлар сифатида баҳолаб, уларга риоя қилмайди, бу ҳуқуқий тизим инқирозини англатади.

Жамият аъзосининг хулқ-атвори жамиятнинг бошқа барча аъзолари учун умумий бўлган маданиятдан келиб чиққан рамзлар тизими воситасида йўналтирилади. Шу-

нингдек, муайян бир маданиятга тааллуқли одамлар учун тушунарли рамзлар, бошқа маданият вакиллари учун тушунарсиз бўлиши мумкин [8]. Қонуннинг жамият аъзоларига тушунарли ва тўғри идрок қилинишини унга сингдирилган минимал миллий ва умуминсоний ахлоқий мазмун таъминлайди.

Қонун чиқарувчи эркинлик, тенглик ва адолат мезонларига таянаётганида унинг миллий-маданий қадриятларни поймол қилувчи шаклда ифодаланишининг олдини олишга мажбур. Масалан, миллий-маданий ахлоққа зид диний секталар ёки ноанъанавий турмуш тарзи айрим жамиятларда миллий-маданий ахлоққа зид. Бундан келиб чиқиб, жамият иродаси ва мақсадларига бегона эканлиги учун уларга рухсат берилмайди.

Шунингдек, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор модели жамият аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан ички нуқтаи назардан қабул қилиниши учун қонун чиқарувчи жамиятдаги турли гуруҳларнинг муқобил талабларини ҳисобга олиши, уларни жамият аъзолари билан муҳокама қилиши қонунларнинг минимал миллий-ахлоқий мазмунга эга бўлишини таъминлайди.

Агар қонун уни бажариши лозим бўлган жамият аъзоларидан уларнинг миллий-ахлоқий қадриятларига зид хулқ-атворни талаб қилса, бунда уларнинг олдига риоя қилиб бўлмайдиган шартлар қўйилган бўлади ва бу қонун ички нуқтаи назардан қабул қилинмайди.

Шундай қилиб, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор моделлари яшаш ва фаолият кўрсатишнинг дастуриламал қоидалари сифатида қабул қилиниши учун уларнинг мазмунида минимал ахлоқий мазмун, яъни умуминсоний ва миллий-маданий ахлоқий мезонлар ўз ифодасини топган бўлиши керак.

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2021. Б.79.
2. Алекси Р. Понятие и действительность права (ответ юридическому позитивизму) / пер. с нем. А.Н.Лаптева, Ф.Кальшойера. М.: Инфотропик Медиа. 2011. - 192 с.
3. Алекси Р. Дуальная природа права // Рос. ежегодник теории права. 2009. № 2. С. 19.
4. Фуллер Л. Мораль права. - Москва: ИРИСЭН, 2007. С.55.
5. Архипов В.В. Концепция права Лона Л. Фуллера. Дисс. канд. юрид. наук. –С.-Петербург, 2009. С.96.
6. Харт Г. Понятие права / Перевод с английского; под общей редакцией Е.В. Афонасина и С.В. Моисеева. – С.-Петербург: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007. С.186.
7. Разуваев Н. В. Государство как предмет изучения юридической семиотики // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спиридоновские чтения: мат. междунар. науч-теор. конф. – С.Петербург: ИВЭСЭП, 2013. С.7.
8. Гаджиев Г.А. Онтология права: (критическое исследование юридического концепта действительности): монография. — Москва: Норма: ИНФРА-М, 2013. С.239.

Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,
Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада табиий газни етказиб бериш шартномасини тузишнинг амалдаги тартиби таҳлил қилинган. Мавжуд амалиётни такомиллаштириш мақсадида бу жараёни тўлиқ рақамлаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган ва бу борадаги, шу жумладан шартномавий мажбуриятларни онлайн кузатиб боришга доир хорижий амалиёт ўрганилиб, илгор тажрибаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш юзасидан илмий мушоҳадалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: табиий газни етказиб бериш шартномаси, интерактив давлат хизматлари, газлаштириш, рақамли технологиялар.

Аннотация. В статье анализируется действующий порядок заключения договора на поставку природного газа. В целях совершенствования существующей практики, разрабатываются научно-обоснованные предложения по полной цифровизации процесса заключения договоров на поставку природного газа. Также, путём анализа практики зарубежных стран по заключению договоров на поставку природного газа посредством цифровых технологий и по онлайн-мониторингу исполнения договорных обязательств, даются научно обоснованные рекомендации по внедрению положительного опыта в национальное законодательство.

Ключевые слова: договор на поставку природного газа, интерактивные государственные услуги, газификация, цифровые технологии.

Annotation. The article analyzes the current procedure for concluding a contract for the supply of natural gas. In order to improve the existing practice, scientifically based proposals are being developed for the complete digitalization of the process of concluding contracts for the supply of natural gas. Also, by analyzing the practice of foreign countries on concluding contracts for the supply of natural gas through digital technologies and on online monitoring of the fulfillment of contractual obligations, scientifically based recommendations are given on the introduction of positive experience into national legislation.

Keywords: contract for the supply of natural gas, interactive public services, gasification, digital technologies.

Янги Ўзбекистонда аҳоли сони тобора кўпайиб, ишлаб чиқариш жараёни ривожланиб бораётганлиги сабабли табиий газдан фойдаланишга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Шу сабабли, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш ва истеъмолчиларни табиий газ тизимига уланиш тартибини соддалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу мақсадда, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 21-мақсадида аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига табиий газ етказиб беришни ривожлантириш, шунингдек жорий йилги Давлат дастурининг 73-бандида табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимига хусусий операторларни жалб қилиш, 74-бандида табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда эркинлаштириш масалаларини ўзида ифода этган «Табиий газ тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби устувор вазифалар назарда тутилди [1].

Шунингдек, давлатимиз раҳбари 2021 йил

9 августдаги йиғилишда Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз», «Ўзтрансгаз» ва «Худудгазтаъминот» АЖ раҳбарлари ҳисоботларини эшитиб, зарур табиий газ ресурсларини шакллантириш мақсадида ҳозирдан аниқ режаларни ишлаб чиқиш, энергетика соҳасини рақамлаштириш кераклигини таъкидлаган ҳолда, бу борадаги муҳим вазифалар юзасидан топшириқлар берган эди [2].

Айтиш жоизки, 2017–2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида абонент ва газ таъминоти корхонаси ўртасида табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёни сезиларли даражада такомиллаштирилди. Соҳага рақамли технологияларни жорий этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди.

Ҳозирги кунда истеъмолчиларнинг газ тармоғига уланиши Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 256-сон Қарори билан тасдиқланган «Юридик ва жисмоний шахсларни газ тармоқларига улаш бўйича давлат хиз-

матлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти» 8-бандига мувофиқ, икки хил усулда: **биринчи усул** – давлат хизматлари марказларига келиш; **иккинчи усул** – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да электрон рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

Аввал тадбиркорларни газ тармоғига улаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи марказлар томонидан амалга оширилган. Таҳлиллар эса бу эски тартиб кўплаб ноқулайликларга, хусусан, коррупция ҳолатларига, ортиқча вақт сарфланиши ва оворагарчиликларга сабаб бўлганини кўрсатди.

Юқоридаги Регламентнинг 3-бандида табиий газни газ таъминоти шартномасини тузмасдан етказиб бериш тақиқланиши [3] кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳужжат билан юридик ва жисмоний шахсларни газ тармоқларига улаш учун рухсат бериш муддатлари ва тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилди, давлат хизматини кўрсатиш жараёнида қатнашадиган субъектлар ўртасида ўзаро алоқаларни фақат электрон шаклда ахборот алмашинуви орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахсларни газ тармоқларига улаш бўйича:

шартнома олиш муддати 11 иш кунидан – 3 иш кунига қисқартирилди;

тақдим этиладиган 2 та ҳужжат бекор қилиниб, анкета тўлдириш тартиби белгиланди;

ишларни бажариш юзасидан, истеъмолчининг хоҳишига кўра, ҳудудий газ таъминоти корхонаси ёки бошқа лойиҳалаш ташкилотлари билан шартнома тузиш имконияти яратилди;

муружаат этувчилар туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига келган ҳолда ёки ЯИДХП орқали муружаат қилиши мумкинлиги белгиланди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, истеъмолчиларни газ тармоқларига улаш асосий 8 та жараёндан иборат [4].

Юридик ва жисмоний шахсларни газ тармоқларига улаш Схемаси (регламентга 1-илова)га мувофиқ эса:

абонентларга газлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва бериш, шунингдек, тижорат таклифлари ва шартномалар лойиҳаларини тақдим этиш 4 босқичдан иборат бўлиб, **2 иш кунини**;

истеъмолчиларни газ тармоқларига улаш 6 босқичдан иборат бўлиб (газ таъминоти ло-

йиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш), **3 иш кунини**;

табиий газни ҳисобга олиш приборини пломбалаш, газ таъминоти шартномасини тузиш ва табиий газни етказиб бериш жараёни 6 босқичли бўлиб, **7 иш кунини** талаб этади (автоматик тарзда).

Кўриб турганимиздек, *истеъмолчи газ таъминоти шартномасини тузиб, тармоққа уланиши учун камида 12 иш кунини талаб этилади* ва бу ҳанузгача ушбу жараён иштирокчилари учун мураккаб бўлган жиҳатлар мавжудлигини англатади.

Айни вақтда миллий қонунчилигимизда:

биринчи, табиий газни етказиб бериш шартномасини сунъий интеллект – **рақамли технологиялар** воситасида тузиш, бекор қилиш ва ўзгартиришига доир нормалар етарли эмас;

иккинчи, табиий газдан фойдаланишда истеъмолчиларнинг оқилоналик тамойилига риоя қилаётгани ва шартномавий интизомни рақамли технологиялар воситасида мунтазам кузатиб бориш ва аниқлаш ишлари ҳалигача ўз якунига етгани йўқ;

учинчи, табиий газ тармоғидаги узиллишлар бўйича истеъмолчиларни шартнома шартларига мувофиқ олдиндан огоҳлантириш, газ етказиб берилмаган давр учун истеъмолчилар кўрган зарарларни автоматик ҳисоблаб чиқиш амалиёти мавжуд эмас.

Шу сабабли, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнини янада такомиллаштириш ва соҳада шартномавий интизомни тўлиқ таъминлаш мақсадида куйидаги таклифлар билдирилади:

биринчи таклиф, табиий газни етказиб бериш шартномасини рақамли технологиялар воситасида тузиш, унга ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш имкониятини яратиш. Бунда ЯИДХП орқали табиий газни етказиб бериш шартномасини тузишни юридик шахслар учун «Ўзтрансгаз» АЖ, жисмоний шахслар учун «Худудгазтаъминот» АЖ ва унинг ҳудудий тузилмаларининг махсус платформалари орқали бевосита амалга ошириш керак. Негаки, ЯИДХП воситачилигида йўлга қўйилган мавжуд тизим истеъмолчилар учун етарли қулайликларни яратиш бера олгани йўқ.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Англия ва Германия каби давлатларда янги абонентлар шартномани воситачи орқали эмас, аксинча тўғридан-тўғри газни сотувчи (етказиб берувчи) хусусий оператор билан унинг расмий веб-сайти орқали расмийлаштириши,

ўзгартириши ва бекор қилиши мумкин. Шу сабабли, Интернет тармоғида «Худудгазтаъминот» АЖ ва унинг худудий тузилмалари ҳамда «Ўзтрансгаз» АЖ билан шартномаларни тўғридан-тўғри тузиш имконини берувчи махсус «Gazta'minot.uz» платформасини, унинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида онлайн ва офлайн ишлайдиган мобиль иловаларини яратиш лозим;

иккинчи таклиф, табиий газни етказиб бериш шартномаси шартларининг бажарилиши тарафларнинг шартномавий интизомига бевосита боғлиқ. Бироқ бунинг учун тарафлар (айниқса, истеъмолчи) шартнома шартларининг, бу борадаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини яхши билиши керак. Шу сабабли, шартнома тузилаётган пайтда газ таъминоти корхонаси ваколатли шахслари томонидан тегишли ва батафсил ҳуқуқий тушунтиришлар берилишига доир амалиётни жорий этиш муҳим.

Тадқиқотларда истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришга доир намунавий шартномаларда унинг мазмун-моҳиятини газ таъминоти корхонаси вакили томонидан тушунтириб беришга доир норма мавжуд эмаслиги аниқланди. Истеъмолчиларнинг газдан оқилона ва мақсадли фойдаланиши, уларда шартномавий маданиятнинг шаклланиши бевосита ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишларига боғлиқ. Шунга кўра, бу борадаги намунавий шартномаларга қуйидаги қондан киритиш таклиф этилади:

биринчи, Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича ҳамда Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари учун табиий газ етказиб бериш бўйича намунавий шартномаларнинг 7.1-бандига қуйидаги тахрирда янги саккизинчи хатбошини киритиш:

«истеъмолчига ушбу шартнома ҳамда қонунчиликдаги табиий газни етказиб бериш ва ундан фойдаланишга доир нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш»;

иккинчи, айнан юқоридаги нормани Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги намунавий шартноманинг 4.4-бандига ўн биринчи хатбоши тарзида киритиш;

учинчи таклиф, «газлаштириш» тушунчаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Қоидаларда 39, намунавий шартномаларда 4 маротабадан қўлланилган бўлса-да, ушбу тушунчанинг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Бу эса мазкур соҳада турли тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва газлаштириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида «газлаштириш» атамасига қуйидаги

муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

«Газлаштириш – мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган лойиҳа ташкилотлари томонидан газлаштириш техник шартлари асосида газдан фойдаланиш ускуналари, қурилма ва уй ичи газ қувурларини ўрнатиш, маиший, коммунал ва ишлаб чиқариш мақсадида газдан фойдаланиш кабиларини назарда тутувчи фаолият».

Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, «газлаштириш» тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилганлиги маълум бўлди. Хусусан, «Газ таъминоти тўғрисида»ги Россия Федерацияси Қонунининг 2-моддасида [5] ва «Табиий газ тўғрисида»ги Молдова Республикаси Қонунининг 2-моддасида асосий тушунчалар қаторида «газлаштириш» қуйидагича таърифланган: «газлаштириш – илмий-техник ва лойиҳа ишланмаларни амалга ошириш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, уй-жой коммунал хўжалигида, саноат ва бошқа объектларда ёқилғи энергетика манбаи сифатида газдан фойдаланишга қаратилган фаолият» [6].

Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида асосан техник характердаги нормалар акс этган бўлиб, унда зарур ҳуқуқий механизмлар ифодаланмаган. Яъни маиший ва коммунал хўжалик истеъмолчиларини газ тармоқларига улашда газдан оқилона фойдаланишни талаб этадиган нормалар, хусусан, газдан фойдаланиш ускунасининг турли иш режимларида газдан оқилона фойдаланиш имкониятини бериш даражасини баҳолаш, газ тармоғига улаш бўйича ишлаб чиқилган техник шартларда табиий газдан оқилона ва самарали фойдаланишни назарда тутувчи нормалар ёки қурилиш-монтаж ишлари яқунларини баҳолашда лойиҳа истеъмолчига табиий газдан оқилона ва самарали фойдаланишда қандай имкониятларни бериши мумкинлигига доир шартлар белгиланмаган.

Аксарият ҳолларда, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнини тартибга солувчи нормалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ижросини топмаётганлигини ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан:

биринчидан, табиий газни етказиб бериш шартномаси маиший истеъмолчиларга туман газ таъминоти корхонасининг техник хизматларни кўрсатувчи ходимлари томонидан бериб кетилиши кузатилмоқда. Яъни ишончнома берилмаган ёки шартномани иккинчи тарафга имзолатишга доир ҳуқуқларни амалга ошириш ваколати бирор-бир ҳужжатда белгиланмаган субъектларнинг газ таъминоти тизими-

даги шартномаларни имзолатиш ва шартномаларнинг лойиҳаларини ўзи билан олиб юриш ҳолатлари кўп;

иккинчидан, табиий газни етказиб бериш шартномаси истеъмолчига тақдим этиладиган Газдан фойдаланиш йўриқномаси (китобчаси)га тикиб берилишини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолат шартноманинг китобча орқа қисмида назардан четда қолиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатга, асосан, аҳолини газ тармоқларига улашда гувоҳ бўламиз.

Таъкидлаш керакки, бу ҳолат қонунга зид. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 134-моддасига кўра, «Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради»;

учинчидан, табиий газни етказиб бериш шартномаси ЯИДХП орқали тузилиши белгиланган бўлса-да, янги истеъмолчиларнинг туман газ таъминоти корхоналари биноларида навбат кутиб турганлигини кўришимиз мумкин. Ўрганишларда аниқландики, бунга қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

биринчи, аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим даражаси етарли эмаслиги;

иккинчи, аҳолининг давлат хизматлари кўрсатилиши даражасидан қониқмаслиги;

учинчи, электрон тизимлар жорий этилган бўлса-да, (газни етказиб бериш шартномалари бўйича) кўрсатилаётган давлат хизматлари натижаларига эски услублар билан эришилиши;

тўртинчи, соҳадаги ваколатли давлат органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш бўйича яратилган имкониятлар ҳақида лозим даражада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаслиги.

Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари учун табиий газ етказиб бериш бўйича намунавий шартноманинг **6.1-бандида**

истеъмолчини газ тармоқларидан узиб қўйиш шартлари белгиланган бўлса-да, *газдан оқилона фойдаланмаганлик ҳолати аниқ ифода этилмаган*. Таҳлиллар натижасида аниқ бўлдики, ҳуқуқни қўллаш амалиётида табиий газдан оқилона фойдаланмаганлик ҳолати истеъмолчини тармоқдан узиш учун етарли сабаб бўлмай қолмоқда. Шу сабабли, **мазкур банднинг иккинчи хатбошисини** «шартномавий мажбуриятлар истеъмолчининг айби билан бажарилмаганда» жумласидан кейин «**ва газдан оқилона фойдаланилмаганда**» деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилади.

Таъкидлаш керакки, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда у энергия билан таъминловчи ташкилотга маълум қилиш ва фойдаланилган энергия ҳақини тўлиқ тўлаш шarti билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг 476-моддасига кўра, энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда абонент ўзи фойдаланган энергия ҳақини тўламагани туфайли энергия билан таъминловчи ташкилот шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда у шартномани бажаришдан бош тортишдан камида бир ой олдин абонентни бу ҳақда огоҳлантириши лозим. Мазкур қоида Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари учун табиий газ етказиб бериш бўйича намунавий шартноманинг **13.1-бандида** аниқ ифода этилган. Лекин мазкур бандда «газдан нооқилона фойдаланиш»га доир ҳолат назарда тутилмаган. Шу сабабли, **ушбу банднинг учинчи хатбошисига** «*истеъмолчининг табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганликда*» деган сўзлардан кейин «**шу жумладан, газдан нооқилона фойдаланганда**» деган сўзларни киритиш таклиф этилади.

Билдирилган таклифларнинг амалга оширилиши табиий газни етказиб бериш шартномалари рақамлаштирилиши ва бу жараён соддалаштирилишига хизмат қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

2. <https://president.uz/uz/lists/view/4535>

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2019 й., 09/19/548/3362-сон.

4. <https://lex.uz/docs/3645661#3647932>.

5. О газоснабжении в Российской Федерации : Федеральный закон от 31 марта 1999 года № 69-ФЗ // Российская газета. 1999. – №67.

6. О природном газе в Республики Молдова: Закон от 08 июнь 2016 года №415.

Бекзод НАРИМАНОВ,

Тошкент давлат юридик университети
Конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири в.б.,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация. Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларни тугатиш тушунчаси, турлари, мақсади таҳлил қилинган. Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммолар кўриб чиқилган. Мазкур соҳага оид етакчи олимлар илмий қарашлари ва хорижий давлатлар тажрибаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилот, фонд, тугатиш комиссияси, рўйхатдан ўтказувчи орган, бухгалтерия баланси, ихтиёрий тугатиш, мажбурий тартибда тугатиш.

Аннотация. В статье анализируются понятие, виды, цели ликвидации негосударственных некоммерческих организаций. Проанализированы проблемы, возникающие в правоприменительной практике в связи с ликвидацией негосударственных некоммерческих организаций. Изучены научные взгляды ведущих ученых в этой области и опыт зарубежных стран.

Ключевые слова: негосударственная некоммерческая организация, фонд, ликвидационная комиссия, регистрирующий орган, бухгалтерский баланс, добровольная ликвидация, ликвидация в обязательном порядке.

Annotation. The article analyzes the concept, types, goals of liquidation of non-governmental non-profit organizations. The problems arising in law enforcement practice in connection with the liquidation of non-governmental non-profit organizations are analyzed. The scientific views of leading scientists in this field and the experience of foreign countries have been studied.

Keywords: non-profit non-profit organization, fund, liquidation commission, registry body, balance sheet, voluntary liquidation, mandatory liquidation.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)ни тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги, уларни қўллашдаги кўплаб ноаниқликлар боис мазкур соҳани тадқиқ этиш эҳтиёжи долзарб аҳамият касб этади.

Дастлаб бу борадаги тадқиқотлар ва хорижий тажрибага эътибор қаратсак.

Л.И.Потягаевага кўра, адабиётларда ННТни тугатиш асосларининг таснифи юридик шахсни тугатишнинг ихтиёрий ва мажбурий усулига қараб фарқланишидир. Бироқ бу амалда тугатиш асосларининг ҳуқуқий табиатини очиб беришга ҳам, тугатиш моҳиятини тушунишга ҳам ёрдам бермайди [1].

А.М.Корнишина ва Ю.А.Ким томонидан ўтказилган тадқиқотда, ННТни тугатишнинг ички механизмлари, тугатиш комиссияни тузиш, унинг фаолияти, оралиқ тугатиш молиявий ҳисоботини тайёрлаш, ходимлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, ушбу соҳада ННТ томонидан йўл қўйиладиган асосий камчилик ва хатолар таҳлил қилинган [2].

Т.И.Малехина ННТни тугатишда унинг бухгалтерия ҳисоботини тайёрлаш ва уни молиявий тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари [3], О.Е.Калинина давлат томонидан ташкил этилган ННТни

тугатиш [4], А.А.Мельников юридик шахсларни тугатишни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш [5], И.И.Спектор юридик шахсларни тугатишнинг маъмурий ҳуқуқий жиҳатлари [6] масалаларини тадқиқ этган.

А.Гулев Озарбайжонда ННТни тугатишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, уни тугатиш ва тугатилган тақдирда унинг мулкни тасарруф этиш тартибининг уставда зарурий белгиланиши лозимлиги мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этмаганини таъкидлайди [7].

Б.Ҳадишината фикрига кўра, Халқаро валюта фондининг ишлаб чиқаришни рационализациялаштириш мақсадида амалга ошираётган юридик шахслар иттифоқларини тугатиш ва қайта ташкил этиш сиёсати ишсизлар сони ошиб кетишига олиб келади [8].

Германия Конституциясида (9-модда) белгиланган уюшиш эркинлиги принципи уларни ихтиёрийлик асосида тарқатиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди [9]. Шунга кўра, Германия Фуқаролик кодексида иттифоқларни тарқатиш уларнинг умумий йиғилиши аъзолари тўртдан уч қисмининг қарорига кўра амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Иттифоқ уставига умумий йиғилишдан бошқа органга уни тугатиш бўйича қарор қабул қилиш ваколатини бериш баҳсли

масалалардан ҳисобланади [10].

Германия Конституциясида ННТни тугатиш учун *3 та асос* келтирилган: *биринчидан*, ННТ мақсади ёки фаолияти жиноят қонунчилигига зид бўлса; *иккинчидан*, ННТ фаолияти немис қонунчилигида «эркин демократик ижтимоий тузум» деб таърифланадиган конституциявий тузумга қарши бўлса (конституциявий тузум деганда, аввало, Конституцияда баён этилган инсон ҳуқуқларига ҳурмат, шунингдек, демократик тамойиллар, жумладан, давлат масъулияти ва кўппартиявийлик тамойиллари ҳамда муҳолифат ташкилотларини тузиш ва фаолият кўрсатиши каби тушунчалар англашилади); *учинчидан*, ННТ мақсади ёки фаолияти халқлар ўртасида ниҳоқ солишга қаратилган бўлса, фаолияти тақиқланади. Ноҳукумат ташкилотини тугатиш бўйича ваколатли органнинг қарори маъмурий ҳужжат ҳисобланади ва Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун асосида мазкур қарор мутаносиблик принципига мос бўлиши лозим. Шунингдек, маъмурий судга маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам таъминланиши лозим [11].

Германияда сўнгги ўн йилда ноҳукумат ташкилотлар фаолиятига оид йирик тадқиқотлар (Б.Адам [12], К.Шульц, С.Хофман, М.Фердинанд [13], С.Фреунд [14], А.Шон [15], Б.Фишер [16], У.Хаас, Л.Неймайер [17], Р.Маркс [18], Э.Ильгюн-Бирхимероглу [19]) ўтказилган бўлиб, улар ННТни рўйхатга олиш бўйича маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш, ишончли бошқарувчи ташкилотлар фаолиятига ахборот-компьютер технологияларини кенг жорий қилиш, кўнгиллилар ташкилоти ва улар фаолиятини ташкил қилиш, ННТ ва давлат ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган. Ушбу тадқиқотлар Германияда бугунги кунда ННТ соҳасида кузатилаётган тенденциялар ҳақида таассурот уйғотади, деб ўйлаймиз.

АҚШда ноҳукумат ташкилотларни тугатиш дастлаб инкор этилган бўлса-да, XX аср ўрталарида илмий муҳокамадан сўнг «Корпорациялар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартишга мувофиқ, юридик шахслар ва уларнинг уюшмаларини тугатиш тартиби мустаҳкамланган [20].

АҚШда ноҳукумат ташкилотни тугатиш Бош прокурорнинг тавсиясига биноан суд қарори билан амалга оширилади. АҚШ қонунчилигида хорижий ННТни тугатишнинг қуйидаги асослари кўрсатилган: нотўғри маълумот бериш орқали ташкил этилган бўлса; алдаш ёки қонунни бузиш йўли билан иш юритиш; устав доирасига кир-

майдиган тадбирларни ўтказиш; конституциявий тузумни бузишга уришиш [21].

Ўзбекистон Республикасида ННТни тугатишнинг ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддалари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 15 январдаги 5-сон қарори билан тартибга солинади.

Конституциямизнинг 62-моддасига кўра, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида, хусусан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам ННТни тугатиш тартибидан олдин унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, яъни 34-моддада ННТ фаолияти у Конституция ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши назарда тутилган.

Қонун ҳужжатларида ННТ фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари тўлиқ ёритилмаган. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда акс этган ННТ фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари эса мавҳум, гоҳида бир талаб иккинчисини инкор қилади. Масалан, Қонуннинг 35-моддасига кўра, фаолияти тўхтатиб қўйилган ННТга банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланса-да, унинг хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир харажатлари бундан мустасно эканлиги қайд қилинган. Бу эса, амалда ННТ орқали деярли барча молиявий фаолиятни олиб бориш имконини беради. Ўз навбатида, ННТга оммавий тадбирлар ташкил этиш тақиқланса-да, бошқа тадбирларни ўтказиш тақиқланмаган. Бу ҳам ННТ фаолиятини тўхтатиш амалда ННТ фаолият юритишига деярли кам таъсир кўрсатишини ёки айрим моддаларни такомиллаштириш зарурлигини билдиради.

Қонун ҳужжатларида ННТни тугатиш айнан қайси суд ваколатига кириши бўйича норма мавжуд эмас. ННТ ва унинг бўлинмаларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган суд кўпинча амалиётда тугатувчи этиб давлат органлари ходимларини тайинлайди. Ваҳоланки, юридик шахсни тугатиш ишларини амалга ошириш ҳеч бир давлат органи вазифасига кирмайди.

Тугатиш жараёни мураккаб ва кўпинча юридик шахсларнинг таъсисчи ва раҳбарларига

боғлиқлиги сабабли (уларда муҳр ва штамплар, мол-мулки ва дебитор, кредитор қарздорлар ҳақида маълумотлар, қарздорликларни тўлаш манбалари йўқлиги ва бошқалар) давлат органлари ходимларининг иш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтиради. ННТ таъсисчилари ёки раҳбар органи аъзоларига бу каби мажбуриятни юклаш уларнинг ННТ ташкил қилишдаги масъулиятини оширади.

ННТ ва унинг бўлинмаларини тугатиш билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботлар, бухгалтерияга оид ҳужжатларни тайёрлаш бўйича амалдаги қонунчилик қатор мураккабликлар ва чалкашликларга ҳам эга. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сон Қарори билан тасдиқланган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 25–26-бандларига кўра, кредиторларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилгач, қолган мол-мулк белгиланган тартибда тасарруф этилгандан сўнггина тугатиш баланси лойиҳаси тузилади ва ННТ юқори органи томонидан тасдиқланиб, давлат солиқ хизмати органига топширилади.

Амалиётда ННТни ихтиёрий тугатишда тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш баланси тузилганлиги ҳамда у ННТнинг юқори органи томонидан тасдиқланганлиги ҳолатлари деярли мавжуд эмас. Чунки ННТни ихтиёрий тугатиш амалда унга эҳтиёж қолмаганда амалга оширилади. Бу жараёнда ННТнинг юқори органи ҳам амалда мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида махсус оралиқ тугатиш балансининг намунавий шакли ҳам мавжуд эмас.

Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи (р.р.: 1209, 2003 йил 24 январь) билан бухгалтерия баланси шакли, 2003 йил 12 мартдаги 45-сон буйруғи (р.р.: 1226, 2003 йил 20 март) билан Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (15-сон БҲМС) «Бухгалтерия баланси» тасдиқланган.

Қайд этилган 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруқнинг 4-бандига кўра, тасдиқланган Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар барча хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар, аудиторлик ташкилотлари ва биржалар учун Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун мулкчилик шаклидан қатъи назар, 2004 йил 1 январдан кучга кирган, суғурта ташкилотлари ва банклар бундан мустасно.

Лекин қонун ҳужжатларига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар таркибига ННТ киритилмаган. Ўз навбатида, ННТни тугатишда оралиқ

тугатиш баланси учун бошқа шакл бўлмаганлиги сабабли ушбу шаклдан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу баланс шаклида асосан хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва пассивининг пул миқдори ифодаси акс эттирилади. Бундан ташқари, юқоридаги буйруқ билан тасдиқланган бухгалтерия балансининг шакли ННТнинг хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди.

Текинга устав мақсадлари учун олинган мол-мулк, ҳомийлик хайриялари бухгалтерия баланси пассив қисмининг қайси бандига тушиши аниқ эмас. ННТнинг тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушган фойдасини ҳам бевосита тақсимланмаган фойда (8700) қисмида кўрсатиб бўлмайди. Чунки бухгалтерия балансини тузиш қоидаларига кўра, тақсимланмаган фойда таъсисчиларга тақсимланиши ёки устав фондига ўтказилиши лозим. ННТда эса фойда таъсисчилар ўртасида тақсимланмаслиги ва унинг мол-мулки устав фонди орқали таъсисчиларга тегишли бўлмаслиги лозим.

Юқоридаги барча пассивларни бухгалтерия баланси пассив қисмининг 8800-Мақсадли тушумларда ҳам акс эттириб бўлмайди. Шу боис, *бухгалтерия баланси пассив қисмини ННТ фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш зарур.* Бундан ташқари, бухгалтерия баланси бу бор мол-мулкни икки ёқлама ёзув асосида актив ва пассивга бўлиб акс эттиришни англатади.

Фикримизча, ННТнинг оралиқ тугатиш балансини ННТнинг юқори органи томонидан тасдиқлаш талаби ортқча бюрократиядир.

Шу билан бирга, ННТнинг якуний тугатиш баланси учун ҳам алоҳида намунавий шакл бўлмаганлиги сабабли амалиётда Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган бухгалтерия баланси шакли намунасидадан фойдаланилади.

Юқоридагиларга асосан, *қабул қилиниши режалаштирилган «Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси» лойиҳасига қуйидагилар таклиф этилади:*

биринчи, қонун ҳужжатларига ННТ фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ қуйидаги таҳрирдаги қўшимчаларни киритиш:

«Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан унинг фаолияти, оммавий ахборот воситалари муассиси ва таҳририяти тариқасидаги ҳуқуқлари, уставида назарда тутилган мақсад ва вазифалари ҳамда тарғибот ишларини амалга ошириш, тадбирлар ташкил этиш, тадбиркорлик

фаолияти билан шуғулланиш, мол-мулк ва банк ҳисобварақларидаги маблаглардан фойдаланиш мазкур қарорда назарда тутилган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўхтатиб қўйилган муддат давомида, истисно тариқасида, мазкур ташкилот томонидан ходимларнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши (меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, локал ва ички ҳужжатларга мувофиқ), мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ тўловлар, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир ҳаражатлар амалга оширилиши мумкин»;

иккинчи, қонун ҳужжатларида ННТни тугатиш айнан қайси суд ваколатига кириши бўйича норма мавжуд эмас. Шунга кўра, **ННТни тугатиш суд тартибида амалга оширилганда** мазкур вазифаларни Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган ННТ бўйича **Олий суд томонидан**, ҳудудий адлия органларида рўйхатдан ўтган ННТ бўйича **тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан** амалга ошириш;

учинчи, таъсисчилар ёки раҳбар орган аъзоларининг ННТ ташкил қилишдаги масъулиятини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига қуйидаги нормаларни киритиш:

«Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган суд, қоида тариқасида, мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг (сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари бундан мустасно) таъсисчилари ёки бошқарув орган аъзолари ёхуд раҳбарини тугатувчи этиб тайинлайди.

Ҳудудий адлия органларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотининг бўлинмалари суд тартибида тугатилаётганда тугатувчи этиб унинг бўлинма раҳбари ёки бош ташкилоти раҳбари ёхуд бош ташкилотининг бошқа ходимлари тайинланади»;

тўртинчи, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сон Қарори билан тасдиқланган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомдан тугатиш баланси нодавлат нотижорат ташкилотининг юқори органи томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги талабни чиқариб ташлаш;

бешинчи, ННТ фаолиятини тўхтатиб қўйиш асосларини аниқ белгилаш, улар томонидан қонун бузилиши содир этилган тақдирда фаолиятини тўхтатишнинг аниқ тартиб-таомилларини

мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги таҳрирдаги нормани қабул қилиш:

«Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек, устав мақсадларига зид хатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки рўйхатдан ўтказувчи органлар кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура органлари ёки рўйхатдан ўтказувчи органларнинг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

олтинчи, ННТни тугатиш жараёни ҳамда босқичларини аниқ регламентлаштириш мақсадида қуйидаги таҳрирдаги нормани қабул қилиш: **«Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини (жамоат фондидан ташқари) ихтиёрий тугатиш унинг таъсис ҳужжатларида бунга ваколат берилган юқори орган қарорига биноан, мажбурий тугатиш эса – суд қарори асосида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ёки прокуратура органлари:

нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланган фаолиятни амалга оширганда; нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлган қоидабузарликни бартараф этмаганда ёки шу каби қоидабузарлик тақдоран содир этилган тақдирда ташкилотни мажбурий тугатиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши мумкин.

Халқаро, республика, ҳудудлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхонаси ва филиалини тугатиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси

публикаси Олий суди томонидан, шунингдек бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тўғрисидаги қарор эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг нодавлат нотижорат ташкилотларини мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан қабул қилинган нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини суд

тартибда мажбурий тугатиш нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган суд мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органи аъзоларини ёки раҳбарини тугатувичи этиб тайинлаши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодексда ўзгача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланмайди, ундан нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларда ва (ёки) хайрия мақсадларида фойдаланилади (сарфланади)».

1. Потягаева Л.И. Ликвидация некоммерческих организаций по российскому гражданскому законодательству // Москва. – 2006. – С. 14.
2. Корнишина А.М., Ким Ю. А. Особенности ликвидации некоммерческой организации // Известия Института систем управления СГЭУ. – 2018. – №. 2. – С. 136-141.
3. Мелехина Т.И. Особенности ликвидации некоммерческих организаций // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. – 2010. – №. 12.
4. Калинина О. Е. Тенденции реорганизации и ликвидации некоммерческого партнерства // Вестник арбитражной практики. – 2013. №. 2. – С. 5-10.
5. Мельников А. А. Гражданско-правовое регулирование прекращения деятельности юридических лиц // дис. на соискание уч степени канд. юр. наук: спец. – 1997. – Т. 12. – №. 03.
6. Спектор Е. И. Развитие административного законодательства о государственной регистрации // Журнал российского права. – 2002. №. 7. – С. 36-47.
7. Guilyev A. NGOs in Azerbaijani Legislation as Institutions // Int'l J. Not-for-Profit L. 2011. – Т. 13. – С. 93.
8. Hadiwinata B. S. Securitizing poverty: The role of NGOs in the protection of human security in Indonesia // Presentation, Singapore. – 2004.
9. Райхерт. Vereins- und Verbandsrecht (Правовое регулирование деятельности союзов и объединений). 13-е изд. 2016. С. 716; Вайс // Бауманн, Сикора. Hand- und Formularbuch des Vereinsrechts (Сборник формуляров и руководство по правовым нормам, регулирующим деятельность союзов). 2015. Пар. 13, п. 234.
10. Sauter E., Schweyer G., Waldner W. Der eingetragene Verein, 19 // Auflage, Verlag CH Beck, München. -2010.
11. Reichert, Vereins- und Verbandsrecht, 13. Aufl. 2016, S. 1140.
12. Adam B. Rechnungslegung gemeinnütziger Organisationen. Eine empirische Untersuchung zu Merkmalen und Rechnungslegung gemeinnütziger Organisationen in Deutschland // ZögU Zeitschrift für öffentliche und gemeinwirtschaftliche Unternehmen. – 2020. – Т. 42. №4. – С. 408-421.
13. Schultz C., Hoffmann S., Ferdinand M. Vertrauensbasierte Organisationen als Grundlage von erfolgreichen digitalen Plattformen für personennahe Dienstleistungen // HMD Praxis der Wirtschaftsinformatik. – 2020. – С. 1-16.
14. Freund S. Freiwilligenarbeit in Organisationen // Organisationsentwicklung in Freiwilligenorganisationen. – Springer, Wiesbaden, 2020. – С. 5-29.
15. Schön A. Schuldrechtliche Gesellschaftervereinbarungen in der Gesellschaft mit beschränkter Haftung unter besonderer Berücksichtigung der Rechtsnachfolge. – Nomos Verlag, 2018. – Т. 925.
16. Fischer B. Der Bestimmtheitsgrundsatz im Personengesellschaftsrecht : дис. – Bucerius Law School, 2018.
17. Haas U., Neumayer L. Vereinsgerichte – eine rechtsvergleichende Untersuchung zum deutschen, österreichischen und schweizerischen Recht // Recht und Realität. – Nomos Verlagsgesellschaft mbH & Co. KG, 2017. – С. 842-871.
18. Marx R. Vorstandsarbeit im gemeinnützigen Verein: Zwischen unentgeltlicher Geschäftsführung und Haftungsrisiko. – diplom. de, 2016.
19. İlgün-Birhimeoğlu E. Vereine als Orte der Produktion und Manifestation von symbolischer Ordnung // Symbolische Ordnung und Bildungsungleichheit in der Migrationsgesellschaft. – Springer VS, Wiesbaden, 2016. – С. 343-355.
20. Martinez-Villarreal A. A. et al. A case series and a review of the literature on foreign modelling agent reaction: an emerging problem // International wound journal. – 2017. – Т. 14. – №. 3. – pp. 546-554.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон.

Умид САЙДАХМЕДОВ,

Тошкент вилоят судининг

иқтисодий ишлар бўйича судьяси,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

СУДНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ВА СУДЪЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Аннотация. Мақолада суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик таҳлил қилинган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардаги суднинг чинакам мустақиллигини ҳамда судьялар дахлсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Судьялар олий кенгаши, суд соҳаси, ислохот, таҳлил.

Аннотация. В статье освещаются проводимые реформы в судебной сфере, анализируется законодательство регламентирующее данную сферу. Кроме того, рассматриваются изменения и дополнения в Закон Республики Узбекистан «О Высшем судебном совете Республики Узбекистан», направленные на дальнейшее укрепление независимости судов и обеспечение неприкосновенности судей.

Ключевые слова: Высший судебный совет, судебная сфера, реформа, анализ.

Annotation. The article highlights ongoing reforms in the judicial and legal sphere, analyzes the legislation regulating this area. In addition, amendments and additions to the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan", aimed at further strengthening the independence of the courts and ensuring the immunity of judges, are being considered.

Keywords: Supreme Judicial Council, judiciary sphere, reform, analysis.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Зотан, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда «**Адолат – бу давлатчиликнинг мустақкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди**» [1].

Суд-ҳуқуқ жабҳасидаги ислохотлар юртимизнинг янада тараққий этишига ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни юқорилашига, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси мустақкамланишига, суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланишига, шунингдек, аҳолининг судларга бўлган ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

2020 йил 13 июль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Женевада (Швейцария) бўлиб ўтган 44-сессиясида БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини бажаришга киришган пайтдан бошлаб амалга оширган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустақкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг муайян амалий натижаларини эътироф

этгани. Хусусан, у Ўзбекистонда суд ҳокимияти ва судлар хизматини ташқи сиёсий босимлардан муҳофаза қилиш борасида кенг ваколатларга эга бўлган конституциявий орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилганини, судьяларни бирламчи ва узлуксиз тайёрлаш тизимини мустақкамлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби очилганини таъкидлаган эди [2].

Таъкидлаш жоизки, Бош қомусимизнинг 111-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланиши мустақкамлаб қўйилди [3]. Кенгашга бундай мақом берилганлиги унга юклатилган вазифалар мустақил ва самарали амалга оширилишининг конституциявий кафолати ҳисобланади.

2021 йил 20 сентябрдаги Қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунга (яъни 13 та моддасига) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди [4].

Бу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Қонуннинг 5-моддаси биринчи ва бешинчи қисмларидаги «хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» деган сўзлар чиқариб ташланиб, судьяларни танлаш ва лавозимига тайинлаш, уларнинг интизомий жавобгарлигини ҳал қилиш жараёнида судьялар ҳамжамияти органларининг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан мустақил фаолият юритиши таъминланди.

Тўхталиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони [5] билан Кенгаш раисининг доимий асосда фаолият юритувчи ўринбосари лавозими жорий этилиши белгиланган эди.

Шу муносабати билан, Қонуннинг 5-моддаси учинчи қисми «Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади» таҳририда баён этилди.

Кенгаш раиси ўринбосарининг янги ваколатлари (10-модда) белгиланиб, унга судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолиятига раҳбарлик қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид вазифалар юклатилди.

Шунингдек, юқорида келтирилган Фармон билан Кенгаш тузилмасига ўзгартиш киритилиб, мавжуд 3 та шубҳа ўрнига 1 та шубҳа қолдирилгани ва Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси ташкил этилгани муносабати билан Қонун 5-моддасининг олтинчи, еттинчи қисмларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Асосий жиҳатлардан яна бири судьяларни

танлаш ва тайинлашда янги тартиблар белгила-ниб, тайинлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинди. Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи миллий электрон дастур амалиётга татбиқ этилди.

Қонуннинг 12-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага асосан Кенгаш аъзоси электрон рейтинг дастури орқали судьялар фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қилиш хуқуқига эга бўлди. Кенгаш тузилмасига киритилган ушбу ўзгаришлар қонунда ҳам ўз ифодасини топди.

Маълумки, давлат раҳбарининг 2019 йил 6 январдаги «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори [6] билан Судьялар олий мактаби ташкил этилиб, фақат шу ўқув юртини тамомлаган тингловчилар судьялик лавозимига эълон қилинган танловларда иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Қонунга ўзгартиш киритилгунга қадар Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларнинг захирасини шакллантириши каби ваколатлардан бирига эга эди. Бу эса ўз-ўзидан судьяликка номзодларнинг захирасини шакллантириш учун қўшимча куч ва сарф-харажатларга сабаб бўлар, Олий мактабга кириш имтиҳонларида иштирок этувчи номзодларнинг оз бўлса-да хуқуқлари чекланишига олиб келар эди.

Бугунга келиб судьяликка захирага олиш институти ўз моҳиятини йўқотиб, уни тугатишни даврнинг ўзи тақозо қилаётганлиги сабабли Кенгаш ваколатидан илк маротаба тайинланган судьялик лавозимларига номзодларнинг захирасини шакллантириш вазифаси чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда суд-хуқуқ тизимидаги ислохотлар янада кенг қамровда давом эттирилиб, қонуний жиҳатдан мустаҳкам хуқуқий асосларга эга бўлмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь // file:///C:/Users/PC-36/Downloads/_Xalq%20so'zi_%20gazetasi-276-2020-12-30%20(1).pdf.

2. <https://sud.uz/bmt-mahsus-maruzachisi-maruzasini-taqdim-qildi/>.

3. <https://lex.uz/uz/docs/20596#39861>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-717-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/5643174>.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6127-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5146554>.

6. <https://lex.uz/uz/docs/4141425#4144254>.

Отабек ПИРМАТОВ,

Тошкент давлат юридик университети доценти в.б.,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада фуқаролик суд ишларини юретишида блокчейн технологиясига асосланган далилларни мақбул далил сифатида баҳолаш муаммолари муҳокама қилинади. Фуқаролик суд ишларини юретишида далилларни баҳолаш мезонлари, далилнинг алоқадорлиги, ишончлилиги ва мақбуллиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик суд ишларини юретишида рақамли далилларнинг мақбуллиги далилларни баҳолаш муаммоларидан биридир. Хорижий давлатларда блокчейн дастуридаги электрон далиллар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Калит сўзлар: блокчейн, онлайн, рақамли, фуқаролик ишлари бўйича суд, интернет, платформа, дастур, смарт технология, электрон далиллар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы оценки допустимости доказательств, собранных на основе технологии блокчейн в гражданском судопроизводстве. Важную роль в гражданском судопроизводстве играют критерии оценки доказательств: относимость, достоверность и допустимость доказательств. Одной из проблем в гражданском судопроизводстве является оценка допустимости цифровых доказательств. В зарубежных странах электронные доказательства полученные с использованием технологии блокчейн признаются судами в качестве допустимых.

Ключевые слова: блокчейн, онлайн, цифровой, суд по гражданским делам, интернет, платформа, программа, смарт технология, электронные доказательства.

Annotation. This article discusses the problems of assessing the admissibility of evidence collected on the basis of blockchain technology in civil proceedings. An important role in civil proceedings is played by the criteria for evaluating evidence: relevance, reliability and admissibility of evidence. One of the challenges in civil litigation is assessing the admissibility of digital evidence. In foreign countries, electronic evidence obtained using blockchain technology is recognized by the courts as admissible.

Keywords: blockchain, online, digital, civil court, internet, platform, program, smart technology, electronic evidence.

Иқтисодий ҳамда фуқаролик суд ишларида тарафлар тортишувчанлик ва тенглик принципи асосида ўз талаб ва эътирозларини асословчи далилларни тақдим этиш билан фуқаролик ёки иқтисодий суд ишини ўз фойдасига ҳал этишга ҳаракат қилади. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида суднинг ҳал қилув қарори тарафларнинг тақдим этган далилларига ва уларни исбот қилишга қаратилган ҳаракатига узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим Э.Эгамбердиевнинг фикрига кўра, маълум ҳуқуқларга эга бўлган шахс ўзига тегишли ҳуқуқларни қонунда белгилаб қўйилган тартибда белгилаб бериш ва уни амалга ошириш учун асос бўлган ҳолатларни тегишли далилларга таянган ҳолда исботлаб, асосламасдан туриб, ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга ошира олмайди. Айрим ҳуқуқларнинг ҳақиқатан ҳам шахсларга тегишли экан-

лигини белгиловчи фактлар, албатта, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлашга хизмат қилувчи далиллар негизида текширилиб, исботланиши керак [1].

Исботлаш ва далиллар фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий процессуал ҳуқуқ институти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ [2]. Фуқаролик суд ишларини рақамлаштиришда электрон далилларга оид нормаларни процессуал қонунчиликка жорий этиш ҳамда электрон далилларни баҳолашда уларнинг мақбуллиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигида рақамли далилларга оид нормалар амалиётга киритилган. Шунингдек, рақамли далилларга оид тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайн Жек-

сонлар рақамли далилларга қуйидагича таъриф беришади: *рақамли далиллар (digital evidence)* ўзида ахборот ва маълумотлар базасини сақловчи, қабул қилувчи ҳамда ўтказувчи электрон қурилма.

Рақамли далиллар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: рақамли далил ўзида катта ҳажмга эга бўлган ахборотни сақлай олади; у ўзида моддий ва номоддий хусусиятни мужассамлаштиради; ноқонуний йиғилиши жиноятга сабаб бўлади [3].

Шунингдек, америкалик ҳуқуқшунос Ричард Сефрейстеннинг фикрига кўра, рақамли далиллар *ноль* ва *бир* санок тизимида ишлайдиган дастурларда сақланадиган, қайта ишланадиган ахборотлар бўлиб, қуйидаги белгиларга эга:

улар махфий бўлади (махсус бармоқ излари, ДНК билан очилади);

кичик ҳаракат билан уларни ўзгартириш, йўқ қилиш мумкин;

сезувчан бўлади;

қонунчилик билан тез-тез ва осон тўқнашади [4];

Ҳуқуқшунос Ричард Сефрейстен фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиб ўтиш керакки, *рақамли далиллар иккилик санок (0 ва 1) тизимида яратилади, қайта ишланади ва йўқ қилинади*. Бугунги кунда компьютерлар, мобиль телефонлар, робот машиналар иккилик санок тизимида ишлайди.

Ҳуқуқшунос Антон Фейзулла-Заденинг фикрига кўра, электрон маълумотлар иккилик санок (*0 ва 1*) тизимида ишловчи рақамли далиллар ҳисобланиши, улар матн, расм, аудио, видео ва бошқа шакллардаги маълумотлар бўлиши мумкин [5]. Рақамли далил иккилик санок тизимида сақланадиган, узатиладиган ҳамда суд томонидан тан олинадиган далилдир. «Рақамли» жуда кенг тушунча бўлиб, биз бу сўзни иккилик санок тизими (*binary*) билан ҳамоҳанг ишлатамиз.

Доктор Сворупа Дҳоламнинг фикрича, рақамли далил ибораси компьютер ва электроника қурилмаларига нисбатан ишлатилиб, улар иккилик санок тизимидаги расмлар ва рақамли овозлардир [6].

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай далил рақамли далил бўла олмайди. Рақамли далил тушунчаси электрон далил тушунчасига нисбатан тор тушунчадир. Оддий форматда (аналог) олинган аудио ёки видеоёзувлар, яъни видеокассета, аудиокассета, пластинкага ёзилган аудио ёки видеоёзувлар рақам-

ли далил ҳисобланмайди. Агарда аудио ёки видеоёзувлар *HD (high-definition)* форматида ёзилган бўлса, улар судда рақамли далил сифатида қабул қилинади. Рақамли далиллар нафақат овоз, тасвир кўринишида, балки жадвал, белги, график, кордината ўқлари кўринишида ҳам бўлади. Рақамли далил иккилик санок тизимида яратилган далиллардир, шу боис бундай далилларни рақамли деб номлаш уларнинг яратилиш дастуридан келиб чиқади.

Электрон далилларнинг мақбуллик нормасига АҚШда ҳам риоя этилмаслиги тўғрисида америкалик олим Паул Гримм ўз фикрини билдириб ўтган. Хусусан, АҚШнинг «Далиллар тўғрисида»ги Федерал қонуни 104 (а)-моддасида суд иш бўйича берилган саволларга жавоб топадиган далиллардан бошқа ҳеч қандай далил билан тасдиқланиши мумкин эмас дейилган. Бироқ ҳал қилув қарорларини қабул қилишда электрон далилларнинг мақбуллиги судьяларнинг якка ўзи томонидан ҳал қилинмоқда. Электрон далилларнинг алоқадорлиги, тўғри далиллиги ҳамда мақбуллиги гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси асосида қабул қилинмоқда ҳамда суд ишларининг асосий қисми ёзма ҳужжатларга асосланмоқда. Шунингдек, Паул Гримм электрон далиллар алоқадорлигини судьяларнинг якка ўзи ҳал қилмаслиги лозимлигини таъкидлайди [7].

Фуқаролик суд ишларини юритишда судьялар томонидан электрон далиллар мақбуллигига йўл қўйилмаслигининг асосий сабабларидан яна бири уларнинг процессуал қонунчилигимизда аниқ кўрсатилмаганлиги ҳамда виртуал фуқаролик муносабатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солилмаганлигидир. Шу сабабли судга тақдим этилган электрон далиллар судьялар томонидан баҳоланмайди ёки улар гувоҳлик кўрсатмалари, мутахассис фикри, эксперт хулосаси, яъни исботлаш воситалари ёрдамида исботланади.

Электрон далилларнинг мақбул эмаслиги уларни судга тақдим этишда тарафлар томонидан уларга нисбатан эътиборсизлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Электрон далилларнинг мақбуллигини таъминлашда уларнинг турини эътиборга олиш лозим.

Бизга маълумки, фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг қуйидаги мезонлари мавжуд: далилнинг алоқадорлиги, далилнинг ишончлилиги, да-

лилнинг мақбуллиги. Далил ҳар учала баҳолаш мезонига жавоб берсагина, у суд томонидан далил сифатида баҳоланади. Рақамли далилларнинг мақбуллиги эса фуқаролик суд ишларини юритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб топилади.

Ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмаслиги ҳеч биримизга сир эмас. Электрон далилларнинг мақбуллиги фуқаролик суд ишларини юритишда суд далилларини баҳолаш муаммоларидан биридир.

Хорижий давлатларда электрон далилларнинг мақбуллигини таъминлашда уларни блокчейн дастурига ўтказиш ёки блокчейн дастуридаги далилларни мақбул далил сифатида баҳолаш муҳим саналади.

АҚШнинг 32 та штати қонунчилигида блокчейн технологияси асосида яратилган шартнома, битим ва бошқа ҳужжатлар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиши назарда тутилган [8]. Масалан, АҚШнинг Иллинойс, Виржиния, Вашингтон, Аризона, Нью-Йорк ва Огайо штатлари қонунчилигига кўра, блокчейн дастуридаги далиллар суд томонидан мақбул далил сифатида баҳоланади [9].

Иллинойс штатининг 2020 йилда қонуний кучга кирган «Блокчейн технологиялари тўғрисида»ги Қонунига асосан «*smart contract*»лар, яъни «*ақлли шартнома*»лар судларда мақбул далил сифатида эътироф этилади. Виржиния штатининг процессуал қонунчилигига кўра, блокчейн технологияси асосида рўйхатдан ўтган электрон шартномалар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиши лозим.

Блокчейн – бу файл ёки объект билан бажариладиган ҳаракатларни файлга хос бўлган кодга шифрлашга ёрдам берадиган технологиядир. Ушбу шифрлашни ўчириб,

ўзгартириб ёки айланиб ўтиб бўлмайди, бу эса файлларнинг ёзувларини бутунлай шаффоф қилиб туради. У билан қандай транзакциялар, қачон ва ким томонидан амалга оширилганлиги ҳар доим мавжуд бўлади [10]. Бу ҳам хорижий давлатлар қонунчилигида блокчейн технологияси шартномалари кенг жорий этилаётганлигининг яна бир жиҳати ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикасида 2018 йил июнь ойида Гуанчжоу Интернет суди ташкил этилди. Шунингдек, 2018 йилда ХХР Олий суди томонидан блокчейн технологиясига асосланган далиллар судларда мақбул далил сифатида баҳоланиши белгиланди.

2018 йилда Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги мамлакатда электрон нотариат, электрон суд, электрон хизматларни жорий этишни эълон қилди ва мобиль нотариат орқали нотариал ҳаракатлар блокчейн технологиясига асосан фаолият юритишга ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Шу билан бирга, Озарбайжонда электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, газ билан боғлиқ шартномаларни ҳам келгусида блокчейн технологиясига асосан тузиш режалаштирилмоқда.

2019 йил январь ойида Италияда «*smart contract*»лар, яъни «*ақлли шартнома*»ларга оид қонун кучга кирди. Мазкур қонунга асосан «*Smart contract*»лар судларда мақбул далил сифатида баҳоланиши белгиланди [11].

Блокчейн технологияси тармоқни шакллантиришнинг янги усули ҳисобланиб, бугунги кунда интернетдаги деярли барча хизмат кўрсатиш тизимлари марказлашган тармоқ асосида ишлайди, яъни маълумотлар базаси марказий серверда жойлашган ва фойдаланувчилар маълумотларни ушбу серверга боғланиш орқали олишади. Блокчейн технологиясининг асосий фарқи шундаки, унда марказий серверга ҳожат йўқ ва тармоқнинг барча иштирокчилари тенг ҳуқуққа эга. Тармоқдаги маълумотлар базаси ҳар бир фойдаланувчини ўзида сақлайди [12].

Блокчейн технологиясига асосланган далилларни судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳолаш афзаллигининг асосий сабабларидан бири блокчейн технологияси шаффоф, яъни унга инсон омили таъсир кўрсатмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Рес-

публикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида *блокчейн технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш рақамли иқтисодий янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалардан бири* сифатида белгиланган.

Бизнингча, **мамлакатимизда блокчейн технологиясини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ** бўлар эди.

Шунингдек, юртимизда Жанубий Корея технологияси асосида электр энергиясини блокчейн технологиясига асосланган ҳолда тақсимлаш ишлари амалга оширилмоқда. Келажакда мамлакатимизда электр энергиясига оид шартномалар блокчейн технологияси асосида тузилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг юқоридаги Қарорида *смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома)ларни ривожлантириш* белгилаб қўйилган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни ва ушбу соҳага тегишли қонун ҳужжатларига **«smart contract»лар, яъни «ақлли шартнома»ларга оид нормаларни киритиш лозим.**

Ақлли шартнома – бу крипто технологиясига асосланган шартнома ёки дастурлаш коди бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у номоддий протокол сифатида

ўз-ўзидан бажарилади. Бошқача айтганда, қоидаларни белгилайди ва рақамли ижро агенти сифатида ишлайди. Ўз-ўзидан ишлайдиган рақамли табиати унга ҳар қандай бизнес ёки молиявий операцияларни бошқариш учун автоматик қувват беради.

Ақлли шартномалар тақсимланган блокчейн дафтарчасида сақланганлиги сабабли уларни ўзгартириш мумкин эмас. Бундан ташқари, ахборот блокда сақланганлиги сабабли бирор бир маълумотнинг йўқолиши эҳтимоли йўқ [13].

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунига қуйидаги мазмундаги *янги 5¹-моддани киритишни таклиф қиламиз:*

«5¹-модда. Ақлли шартномалар

Ақлли шартнома – бу блокчейн технологиясига асосланган икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги шартнома ёки дастурлаш коди».

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ақлли шартномаларга оид нормаларнинг қонунчилигимизга киритилиши мамлакатимизда блокчейн технологияси ривожланишига ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларни мақбул далил сифатида баҳолашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат шартномалар, балки бошқа ҳужжатлар ҳам блокчейн технологиясига асосланган ҳолда яратилиши электрон далилларнинг мақбуллик даражасини янада оширишга замин яратади.

1. Эгамберидиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари: диссер. ю.ф.д. Тошкент. 2007. 235 б. (Egamberdiyev E. Problems of claim in in civil proceedings: dissertation of Ds/ Tashkent. 2007. P. 235).

2. Ворожбит С. П. Электронные средства доказывания в гражданском и арбитражном процессе: автореф. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2011.– С. 16. (Vorojbit S.P. Electronic evidence in civil and economical proceedings: dissertation of PhD/ Saint Petersburg.2011.– P. 16).

3. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson Digital evidence and the US. Criminal Justice System. 2015. At page 3.

4. Saferstein, Richard. A Simplified Guide To Digital Evidence. National Forensic Science Technology Center®NFSTC Largo, Florida 2015.

5. Фейзулла-Заде А. Допустимость электронных средств доказывания в гражданском судопроизводстве // Арбитражный и гражданский процесс. 2018. №6. С.40-41. (Fayzulla Zade. Admissibility of electronic evidence in civil proceedings: dissertation of PhD/ 2018.– P. 40-41.)

6. Swarupa Dholam. Electronic evidence and its challenges. 2015. At page 14.

7. HON. PAUL W. GRIMM. Best practices for authenticating digital evidence 2016 LEG, Inc. d/b/a West Academic 444 Cedar Street, Suite 700 St. Paul, MN 55101 1-877-888-1330 Printed in the United States of America at page 14.

8. www.blockgeeks.com

9. www.businessinsider.com

10. www.ictnews.uz

11. www.blockgeeks.com

12. www.uzbek.uz

13. www.uz.mort-sure.com.

Джахонгир ЮЛДАШЕВ,

Ички ишлар вазирлиги Академияси докторанти,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИДАН ЧИҚИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва мақбуллаштириш зарурати асослангилган. Ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик, фуқароликнинг тугатилиши, фуқароликдан чиқиш, фуқароликдан чиқиш тартиби, фуқароликдан чиқиш бўйича ишларни юритиш муддати.

Аннотация. В статье обоснована необходимость упрощения и оптимизации процедуры оформления выхода из гражданства Республики Узбекистан. Были выявлены существующие проблемы в этой области и внесены предложения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: гражданство, прекращение гражданства, выход из гражданства, порядок выхода из гражданства, сроки ведения делопроизводства по выходу из гражданства.

Annotation. The article substantiates the need to simplify and optimize the procedure for obtaining renunciation of the citizenship of the Republic of Uzbekistan. Existing problems in this area were identified and proposals and recommendations for their elimination were made.

Keywords: citizenship, termination of citizenship, renunciation of citizenship, the procedure for renunciation of citizenship, the timing of record keeping for renunciation of citizenship.

Фуқароликнинг тугатилиши – шахснинг давлат билан барқарор ҳуқуқий муносабатлари натижасида юзага келадиган ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишидир.

2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига асосан, фуқароликнинг тугатилиши **фуқароликдан чиқиш** ёки **фуқароликни йўқотиш** шаклида амалга оширилади.

Юримдик адабиётларга кўра [1], фуқароликдан чиқиш фуқаролик тугатилишининг энг муҳим усулларида бири ва фуқароликни йўқотишдан фарқли равишда шахснинг ўз ихтиёри асосида вужудга келади.

Ўрганиш натижалари бу борадаги амалиётда муаммоли ва баҳсли масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай тоифадаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларида мақбул тизим яратилмаганлиги бунинг асосий сабабларидан бўлиб қолмоқда. Фуқароликдан чиқиш жараёнида ўзига хос мураккабликлар (аризаларни кўриб чиқиш муддати 1 йил бўлгани боис) юзага келаётгани, бунда алоҳида тоифадаги шахсларга имтиёзли шароитлар яратилмагани аксарият фуқаролар томонидан белгиланган тартибда фуқароликни тарк этмай туриб бошқа давлат фуқаролигини олишларига сабаб бўлмоқда.

Германия, Россия, Исроил, Қозоғистон каби давлатлар фуқаролигидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинаётганлардан расман ўз фуқаролигидан чиқиш талаб этилмаслиги натижасида республикамизда икки фуқароликка эга бўлган шахслар улуши ортиб бормоқда [2].

Масалан, Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро А.Б. белгиланган тартибда Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан Россия фуқаролигини қабул қилган ва икки давлат фуқаролик паспортлари билан яшаб келмоқда [3].

Ёки Қозоғистон фуқаролик паспорти билан Ўзбекистонга келган Б.А. Хоразм вилояти Хонқа тумани ИИБга вақтинчалик рўйхатга олиш бўйича мурожаат этган ва туман ИИБ томонидан база орқали текширилганда унинг Ўзбекистон фуқароси эканлиги ҳамда туманда доимий рўйхатда туриши аниқланган. Натижада чет эл паспорти билан келган шахсни вақтинчалик рўйхатга олиш имкони бўлмаган. Бу, ўз навбатида, мурожаатчи эътирозига сабаб бўлган [4].

Миллий қонунчилик икки фуқаролик ҳолатини ҳуқуқбузарлик деб баҳолашга ҳам имкон бермайди (жавобгарлик йўқ). Мазкур ҳолат, табиийки, сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тарти-

ботни мустақамлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фикримизча, **бу борада фуқароликдан чиқишга доир аризаларни кўриб чиқиш бўйича соддалаштирилган тартибда иш юриштишни белгилаш лозим.** Ота-онаси чет эл фуқароси бўлган болаларни Россия фуқароликдан соддалаштирилган тартибда чиқариш тизимини татбиқ этиш бўйича И.А.Гончаров таклифини [5] айна кўриб чиқилаётган масала бўйича асосли деб ҳисоблаймиз.

Россия қонунчилигида: *чет элда доимий яшовчи Россия фуқаролари; ота-онасидан бири Россия фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган ёхуд чет эл фуқароси бўлган ёлғиз ота (она)нинг Россия фуқароси бўлган фарзанди соддалаштирилган тартибда (ва 6 ойдан ошмаган муддатда) фуқароликдан чиқариладиган шахслар тоифасига киритилган* [6].

Россия [7], Қирғизистон [8] қонунларида «фуқароликни тугатишнинг соддалаштирилган тартиби» тушунчаси келтирилган ва бу ҳуқуқни қўллашдаги тушунмовчиликларга барҳам беради.

МДХ давлатлари (фуқаролик тўғрисидаги) қонунларида, масалан, Қирғизистонда бундай муурожаатларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш муддати *1 ой (30 кун)дан, умумий асосларда кўриб чиқиш Грузияда[9] 3, Беларусь[10] ва Туркманистонда[11] 6 ойдан* ошмайди.

Кўриниб турибдики, юқоридагиларнинг барчасида муддат қисқа ёки ишни кўриб чиқиш тартиби анча содда. Бу эса шахснинг фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқини самарали кафолатлаш даражасини оширади.

Бу борада «Сизнингча, Ўзбекистон Респуб-

ликаси фуқароликдан чиқиш бўйича берилган аризаларни кўриб чиқиш муддатининг бир йил этиб белгиланганлиги қанчалик асосли?» деган саволга мутахассисларнинг аксарияти (68,5 фоизи) бундай муурожаатларни кўриб чиқиш муддати кўплигини, бу эса коррупция ёки бошқа қонунбузилиши ҳолатларини юзага келтирувчи омиллардан бўлиши мумкинлигини таъкидлашган.

Юқоридагиларга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг **24-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:**

«Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг фуқароликдан чиқиш бўйича берилган аризалар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилади:

агар фуқаро чет элда доимий яшаётган бўлса;

агар Ўзбекистон фуқароси бўлган боланинг ота-онаси (шу жумладан, ёлғиз отаси ёки онаси) чет эл фуқароси бўлса;

ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароликдан чиқиш бўйича берилган аризалар умумий тартибда олти ойдан, соддалаштирилган тартибда уч ойдан ошмаган муддатда кўриб чиқилади».

Ўйлаймизки, бу таклифларнинг қонунчилигимизда акс этиши фуқароликдан чиқиш бўйича ишларни юриштиш тартиби такомиллашишига ва шахснинг фуқароликни ўзгартиришга доир ҳуқуқини кафолатлаш даражаси янада ошишига хизмат қилади.

1. Чудакова С.Н. Прекращение гражданства Российской Федерации как одно из оснований прекращения службы в уголовно-исполнительной системе // Вестник Кузбасского института. — 2015. — № 1 (22). — С. 159; Петренко Н.И., Ровенская А.С. Некоторые аспекты института гражданства в Российской Федерации // Марийский юридический вестник – 2017. № 2 (21). – С. 77.
2. Иметь узбекский и иностранный паспорта не является нарушением закона — МВД // URL: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/imet-uzbekskiy-i-inostrannyu-pasporta-ne-yavlyaetsya-narusheniem-zakona-mvd/>.
3. Навоий вилояти ИИБ 2021 йил 8 майдаги 22/993-сон хатига иловалар.
4. Хоразм вилояти ИИБ 2021 йил 10 майдаги 25/775-сон хатига иловалар.
5. Гончаров И.А. Гражданство России и зарубежных государств: опыт сравнительного конституционно-правового исследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — М., 2006. — С. 11.
6. Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года N 62-ФЗ «О гражданстве Российской Федерации» // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226>.
7. Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года N 62-ФЗ (с изменениями на 26 июля 2019 года) «О гражданстве Российской Федерации» // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226>.
8. Закон Кыргызской Республики от 21 мая 2007 года № 70 «О гражданстве Кыргызской Республики» // URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202103>.
9. Органический закон Грузии 30 апреля 2014 года № 2319-llc «О гражданстве Грузии» // URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/2342552/1/ru/pdf>.
10. Закон Республики Беларусь от 1 августа 2002 года № 136-З «О гражданстве Республики Беларусь» // URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3114.
11. Закон Туркменистана от 22 июня 2013 года «О гражданстве Туркменистана» // URL: <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=4419>.

Саидахмад ИШАНХОДЖАЕВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти бош илмий ходими,
юримдик фанлар номзоди

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УНИВЕРСАЛ НОРМАЛАРИ

Аннотация. Мақолада инсон ҳуқуқларига оид универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос ҳужжатлари ҳамда уларда мигрантлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масалалари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: қочоқ, мигрант, меҳнаткаш-мигрант, шартнома, конвенция, пакт, қўшимча баённома.

Аннотация. В статье анализируются универсальные международно-правовые акты по правам человека, их взаимосвязь и особенности, а также вопросы обеспечения ими защиты прав и законных интересов мигрантов.

Ключевые слова: беженец, мигрант, трудящийся-мигрант, договор, конвенция, пакт, факультативный протокол.

Annotation. The article analyzes the universal international legal acts on human rights, their relationship and features, as well as the issues of ensuring that they protect the rights and legitimate interests of migrants.

Keywords: refugee, migrant, migrant worker, treaty, convention, pact, optional protocol.

Халқаро миграция жарёнлари динамикаси ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, бунинг асосий сабаби дунёда кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва демографик вазиятнинг янги тенденцияларидир.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатлар, хусусан, БМТнинг 2030 йилгача «Барқарор ривожланиш кун тартиби», «Қочоқлар ва мигрантлар ҳақида Нью-Йорк декларацияси», «Глобал хавфсиз, тартибли ва уюшган миграция бўйича халқаро шартнома» халқаро миграция ва ривожланиш ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини эътироф этади.

2020 йилда ер юзиди ўз мамлакатидан ташқарида яшаётган халқаро мигрантлар 281 млн нафарга ўсиб, кескин кўпайишда давом этмоқда ва дунё аҳолисига нисбатан улуши 2010 йилда 2000 йилдаги 2,8 фоиздан 3,2 фоизга, 2020 йилда эса 3,6 фоизга етди [1].

Пандемия 2020 йилда бу жараёнга жиддий таъсир кўрсатиб, халқаро мигрантлар сони 2 млн атрофида пасайган бўлса-да, 2021 йилда паст ва ўрта даромадли давлатларга пул ўтказмалари оқими 7,3 фоизга ошиб, 589 млрд долларни ташкил этди [2].

2020 йилда дунёнинг айрим жойларида юз берган мажаролар ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари натижасида чегаралар орқали мажбурий кўчиб ўтганлар икки баравар кўпайиб, халқаро мигрантлар умумий сонига нисбатан тахминан 16 фоизни ташкил этди. Қочоқлар ва бошпана

сўраган шахслар 80 фоиздан ортиқ қисмининг 52 фоизи ривожланмаган, 25 фоизи ривожланаётган ва атиги 3 фоизи ривожланган давлатларга тўғри келди.

Барча халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми 20 та давлатда эканлигини инобатга олсак, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироллигида 9, Россия Федерациясида 12, Саудия Арабистонида 13, Германияда 16 млн мигрант қайд этилди ва АҚШ 51 млн халқаро мигрантлар (дунёдаги мигрантларнинг 18 фоизи) учун асосий манзил бўлди.

Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳамкорлиги бу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, яъни декларация, пакт, конвенция каби турли халқаро шартномаларга асосланади. Улар давлатлар иштироки нуқтаи назаридан универсал, минтақаларо ва минтақавий шартномаларга бўлинади.

И.Лукашук ва А.Саидов фикрига кўра, барча давлатлар манфаатлари учун хизмат қиладиган нормалар, объектлар ва мақсадларни ўзида ифода этган халқаро шартномалар умумий ёки универсал шартномалар [3] саналади.

Бу фикрга қўшилган ҳолда қўшимча қиламиз-ки, **универсал халқаро шартномалар** – умумжаҳон манфаатлари ва умуминсоний қадриятларнинг кенг доирасини қамраб оладиган [4], бошқа махсус ёки минтақавий ҳужжатларга нисбатан устуворлик касб этувчи халқаро-ҳуқуқий асослардир. Уларга барча давлат аъзо бўлиши мум-

кин бўлган БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО каби ташкилотлар доирасида қабул қилинган шартномаларни киритиш мумкин.

Одатда, ўзлари яшаб ва ишлаб турган мамлакат фуқароси бўлмаган халқаро мигрантлар ҳолатига тааллуқли масалалар кўп йиллардан буён БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан алоҳида ўрганиб келинмоқда [5].

БМТ доирасида ишлаб чиқилган халқаро шартномалар орасида биринчи галда *БМТ Уставига* мурожаат қилиш лозим. Унда «инсон ҳуқуқларига ва ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барчанинг асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни» таъминлаш (1-модда) қайд этилган [6].

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги биринчи ҳужжати *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида* ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва қайтиб келиш (13-модда), меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш, ишсизликдан ҳимояланиш, ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш, ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли, зарур бўлганда эса бошқа ижтимоий таъминот воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш (23-модда) ҳуқуқларига эгаллиги кўрсатилган.

Кейинчалик бу ҳуқуқлар *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги* (8, 12–13-моддалар), *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги* (6–7-моддалар) халқаро пактларда, *Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги* (5-модда) [7] *Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги* (11-модда) [8] халқаро конвенцияларда янада такомиллаштирилиб, умуммажбурий кучга эга бўлди.

Мажбурий миграцияни ҳуқуқий тартибга солишда иккита асосий ҳужжат мавжуд бўлиб, улар 1951 йилдаги *БМТнинг Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенцияси* [9] ва 1951 йилдан кейин юзага келган вазиятларга ўз таъсирини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган 1967 йилдаги *Қочоқлар мақомига тегишли Баённома* [10] ҳисобланади.

Эътибор қилсак, Конвенцияда «қочоқ» тушунчаси моддий характерда белгиланган бўлса, айрим мамлакатлар миллий қонунчилигида ушбу тушунча, асосан, процессуал маънода қўлланинини кўрамиз. Мисол учун, 1993 йилдаги «Қочоқлар мақоми тўғрисида» Россия Федерацияси Қонуни муқаддимасида ва 1-моддасида «қочоқ»

атамаси келтирилган, кейинчалик «қочоқ деб тан олиниш истагини билдирган шахс», «қочоқ деб тан олиниш учун мурожаат қилган шахс», «ҳақиқатан қочоқ сифатида тан олиниши учун аризани кўриб чиқиш тўғрисидаги гувоҳнома ни олган шахс», «қочоқ деб тан олинган шахс», «қочоқ деб тан олинишини рад этиш ҳақида хабарнома олган шахс», «қочоқ мақомини йўқотган шахс» атамаларига ўзгартирилган.

Фикримизча, **халқаро ҳуқуқда «қочоқ» мақоми де-факто – юз берган ҳодиса ва воқеликлар нуқтаи назаридан белгиланганлиги ва иштирокчи давлатлар томонидан миллий қонунчиликда муайян тартиб-қоида ёки жараёндан ўтган шахсларгагина берилиши амалиёти ўрнатилганлиги муҳим.**

Сабаби, *бир тарафдан*, давлатлар бирор-бир минтақадан ёки мамлакатдан «қочоқ» мақомини олиш истагида кириб келмоқчи, кириб келаётган ёки кириб келган шахс (лар)га ўз ҳудудига кириш ва хавфсизлик ҳамда иқтисодий ва ижтимоий манфаатларни кўзлаб қочоқ мақомини бериш тартибини ўрнатиши уларнинг суверен ҳуқуқи ҳисобланади.

Иккинчи тарафдан эса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасидаги «ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга» нормаси фақатгина давлатлар томонидан жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан чегараланиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳозирда айрим давлатлар инсонларнинг кўчиш ҳуқуқини асоссиз чегаралаши олимлар ва сиёсатчиларнинг баҳс ва мунозараларига сабаб бўлмоқда [11].

Миллий қонунчиликда, қоида тариқасида, «қочоқлар» эмас, балки «*бошпана сўраган шахслар*» ҳақида сўз юритилади. Шахсларни «қочоқ» деб тан олиш бу мақомни олиш тартиби билан бевосита боғлиқдир. Натижада, *де-факто* қочоқ ҳисобланган шахс *де-юре* *ноқонуний мигрант саналади*.

Меҳнаткаш-мигрантлар мақоми ва ҳуқуқларига оид халқаро нормалар Халқаро меҳнат ташкилоти доирасида соҳавий даражада ривожланиб [12], *300 га яқин* конвенция ва тавсиялар қабул қилинди [13]. 1931 йилда қабул қилинган ва 1949 йилда қайта кўриб чиқилган *Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида 97-конвенция* бу борадаги илк ҳужжатлардандир.

Унга кўра, «кўчманчи меҳнаткаш» атамаси «ўз ҳисобидан бўлганига нисбатан бошқача тарзда иш олиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига

кўчувчи шахс»ни англатади ва қонунга мувофиқ кўчманчи меҳнаткаш сифатида йўл қўйиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олади (11-модда). Чегара ходимлари, қисқа муддатга келган эркин касбдагилар, артистлар, денгизчилар конвенция қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киририлган.

Учта иловадан иборат ушбу ҳужжатнинг *биринчи иловасида* ҳукумат назорати остида тузиладиган бошқа жойга кўчишлар ҳақидаги шартномаларга нисбатан бошқа йўл билан тўпланган кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида, *иккинчи иловасида* ҳукумат назорати остида тузиладиган гуруҳ бўлиб кўчишлар ҳақидаги битимлар бўйича жалб этилган кўчманчи меҳнаткашлар ҳусусида сўз боради. *Учинчи иловаси* эса кўчманчи меҳнаткашларнинг шахсий мол-мулк, иш асбоб-ускуналарини олиб келиш ва божхона божларидан озод қилиш масалаларига қаратилган [14].

Халқаро меҳнат ташкилотининг кўчманчи меҳнаткашларга оид яна бир ҳужжати 1975 йил 24 июндаги *Кўчиш соҳасида суиистеъмомликлар ҳамда кўчманчи меҳнаткашларга имкониятлар ва муомала тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-конвенция*дир. Унинг 11-моддасида «кўчманчи меҳнаткаш» ўз ҳисобидан ташқари исталган ишни олиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчаётган ёки кўчиб ўтган, мамлакатга қонуний кириб келган ҳар қандай шахс, деб таърифланган.

Бу атама қўлланмайдиган шахслар доираси олдинги конвенциядагига нисбатан қуйидагича кенгайтирилган: чегара туманларининг меҳнаткашлари; қисқа муддатга мамлакатга келган артист ҳамда эркин касб вакиллари; денгизчилар; тайёргарлик ёки таълим олиш мақсадида келадиган шахслар; муайян мамлакат ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган муассаса ёки ташкилотларнинг хизматчилари.

Улар шу мамлакатга ёлловчиларининг илтимоси бўйича махсус бурч ёхуд вазифаларни бажариш учун маълум муддатга вақтинча киририлганлар ҳисобланади ва бурч ҳамда вазифаларини тугатгандан кейин чиқиб кетишлари шарт. Ушбу ҳужжат ноқонуний ёки норасмий ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва халқаро даражада нолегал миграция ҳамда нолегал бандликка қарши курашни акс эттирган дастлабки ҳаракатдир [15].

Кўриб чиқилган иккита ҳужжат мажбурий тусга эга бўлса-да, назорат механизми суистеъмомликни уларнинг ижроси самарасини камайтиради. 1990 йил 18 декабрда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 45/158-резолуцияси асосида *Барча*

меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинди ва у 2003 йилнинг 1 июлидан кучга кирди [16]. Уни Халқаро меҳнат ташкилотининг 1940 йилдан буён мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича стандартларни кенг кўламда ишлаб чиқиш жараёнининг натижаси [17], бу соҳадаги халқаро кодификация десак бўлади.

Конвенциянинг асосий мазмуни умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари меҳнаткаш-мигрантларга ҳам тааллуқли эканини тан олиш билан бирга, **авваламбор**, уларнинг бир давлатдан иккинчисига иш қидириб борганлиги ва муайян муддатдан сўнг ўз ватанига қайтиши аниқ эканлиги, улар бошқа давлатда ўша давлат фуқароларига нисбатан тенг бўлмаган шароитларда қолиши нуқтаи назаридан ҳам, **иккинчидан** эса, бошқа давлатда бўлганида ўз давлатининг ёрдамидан етарли даражада фойдалана олмаслиги билан ҳам бу тоифадаги шахслар алоҳида эътибор, ҳуқуқ ва имтиёзларга муҳтож эканини эътироф этишдан иборатдир.

Энг қизиғи, Конвенция 1966 йилги халқаро пактларда эълон қилинган ҳуқуқларнинг кенг доирасини қамраб олган бўлса-да, ҳалигача ривожланган импортёр мамлакатлар томонидан ратификация қилингани йўқ.

Кўриб турганимиздек, меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларининг ҳимояси билан боғлиқ бўлган халқаро ҳуқуқий нормалар етарли даражада мавжуд бўлишига қарамасдан, афсуски, давлатлар бу борадаги халқаро мажбуриятларни ўз зиммаларига олишга шошилишмаяпти. Масалан, Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция *юридик кучга кириши учун шарт бўлган 20 давлатнинг ратификация ёрлиғи тўпланишини 13 йил кўтишига тўғри келди*. 2020 йил июнь ойида мазкур ҳужжатни ратификация қилган мамлакатлар сони 55 тага етди [18].

Халқаро миграцияга оид яна бир муҳим ҳужжат 2000 йил 15 декабрдаги *БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси*дир. Унга қўшимча сифатида мигрантларни қуруқликда, денгизда ва ҳавода ноқонуний ташишга қарши Баённома қабул қилинган. Баённома бошқа давлат ҳудудига ноқонуний ташиш, олиб кириш ва кириб келишга қарши бўлса-да, у мигрантларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишда ва улар ҳуқуқларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлаб беришда алоҳида аҳамиятга эга [19].

2016 йил 19 сентябрда БМТ БАнинг 71/1-сон

резолюцияси билан Олий даражадаги пленар учрашувнинг якунловчи ҳужжатида катта гуруҳ мигрантлар ва қочоқлар ҳаракатланишига доир «Қочоқлар ва мигрантлар ҳақида Нью-Йорк декларацияси» қабул қилинди. Бу ҳужжат 2013 йил 3 октябрдаги 68/4-резолюция асосидаги «Халқаро миграция ва тараққиёт масалалари бўйича Олий даражадаги мулоқот якунлари Декларацияси»дан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, миграцияни ҳеч бир мамлакат яқка ўзи ҳал қила олмайди. Шунинг учун миграция бўйича Глобал шартнома матни 2018 йил 10-11 декабрь кунлари Марокашда бўлиб ўтган ҳукуматлараро конференцияда қабул қилинди.

Ўн тамойил, жумладан, инсон ҳуқуқлари универсаллиги, миллий суверенитет ва қатнашувчи давлатлар учун ҳужжатнинг мажбурий бўлмаган табиати Миграция бўйича Глобал шартномага асосланади. Унда хавфсиз, тартибли ва мунтазам миграциянинг 23 та аниқ мақсади мавжуд бўлиб, улар давлатларга миллий миграция сиёсатини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан, одам савдоси ва муҳожирларни ноқонуний олиб киришга қарши курашиш, чегара назоратини кучайтириш ва қочоқлар қайтишини осонлаштириш орқали қонуний миграция каналларига эътибор қаратишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, **биринчидан**, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан миграциянинг барча субъектларига доир универсал, минтақалараро ва минтақавий ҳужжатлар қабул қилиниб, айримларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Иккинчидан, ривожланган давлатларнинг ҳанузгача меҳнаткаш-мигрантлар ва қочоқлар мақомига оид халқаро ҳужжатларга кўшилиш даражаси суст бўлиб, ушбу масалалар асосан икки ёки минтақавий даражада кўп томонлама ҳал этилишига асосий урғу берилмоқда.

Учинчидан, мигрантлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, *аввало*, ҳозирда мигрантлар ҳуқуқларига оид масалаларга комплекс ёндашилаётган бўлса, *иккинчидан*, мавжуд халқаро ҳуқуқий асосларнинг ижросини тартибга солувчи институционал механизмлар билан давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ўта муҳим ҳисобланади.

Тўртинчидан, халқаро миграцияни самарали бошқариши натижасида қабул қилувчи ва етказиб берувчи давлатлар бевосита иқтисодий манфаат кўрса, бошқа тарафдан, инсонларнинг бир ҳудуддан бошқасига кўчиб ўтиши ҳамда хорижда меҳнат қилиши натижасида мамлакатларда бўш иш ўринлари тўлдирилади ва ноқонуний миграциянинг олди олинади.

1. www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/imr_2020_10_key_messages_ru_1.pdf.

2. www.vseмирnyjbank.org/ru/news/press-release/2021/11/17/remittance-flows-register-robust-7-3-percent-growth-in-2021.

3. Лукашук И., Саидов А., Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Т.: Адолат, 2006. – Б.181.

4. Международное право / Под ред. А.А.Ковалева, С.В.Черниченко. -3-е изд., испр. – М.: Омега-Л, 2008. – С. 249.

5. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: Konsauditinform-Nasr, 2006. Б.124.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. –Т.: Адолат, 2004. - Б. 2-3.

7. <https://www.lex.uz/ru/docs/2656183>.

8. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида конвенция. Т.: 2005. - Б.14-17.

9. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/refugees.shtml.

10. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/refugees_prot.shtml.

11. <https://news.un.org/ru/story/2021/10/1412362>.

12. Насырова Н.Р. Международно-правовое регулирование трудовых отношений. – Ташкент: УМЭД, 2006.130-137 с.

13. Джаббарова Ш., Хамдамова Ф. Гарантии обеспечения прав человека в сфере труда: международные стандарты и национальное законодательство Республики Узбекистан // Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистон тажрибаси. Халқаро илмий-амалий конференция материалари. Тошкент, 2008 йил 25-26 ноябрь –Тошкент, «Chashma Print», 2009. - Б.544.

14. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: Адолат, 2004 -Б.153-161.

15. Под ред. Воробьевой О.Миграция населения. Вып.6: Миграционная политика. Приложение к журналу // «Миграция в России» – М, 2001. - С. 82.

16. Доклад Комитета по защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей. Генеальная Ассамблея Официальные отчеты Шестьдесят вторая сессия. Дополнение №48 (A/62/48).

17. Benefits of the Convention on Migration Workers' Rights. / SHS Views. UNESCO Social and Human Sciences Sector magazine. –No14/September-November 2006. -P.19.

18. ru.wikipedia.org/wiki/Международная_конвенция_о_защите_прав_всех_трудящихся-мигрантов_и_членов_их_семей.

19. Насырова Н. Акты ООН, регулирующие правовое положение трудящихся-мигрантов // «Замонавий халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Биринчи қисм). - Т.: ЖИДУ, 2006. – С.154.

Отабек ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти
кадрлар бўйича бош инспектори

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ (KPI) ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада энг замонавий бошқарув воситаларидан бири бўлган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимининг давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда сўнги йилларда Ўзбекистонда синов тарзида қўлланаётган KPI тизимини давлат секторига жорий этиш босқичлари ёритилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, KPI тизими, натижадорлик коэффициенти, самарадорлик кўрсаткичлари, рағбатлантириш, норматив-ҳуқуқий асос.

Аннотация. В статье рассматриваются роль и значение одного из самых современных управленческих инструментов в оценке эффективности государственных служащих – системы ключевых показателей эффективности (KPI), а также освещены этапы внедрения системы KPI в государственном сектор, которая в последние годы применяется в Узбекистане в порядке эксперимента.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, система KPI, коэффициент эффективности, показатели эффективности, стимулирование, нормативно-правовая база.

Annotation. The article discusses the role and importance of one of the most modern management tools in evaluating the effectiveness of civil servants - the system of key performance indicators (KPI), as well as highlights the stages of implementation of the KPI system in the public sector, which has been used experimentally in Uzbekistan in recent years.

Keywords: public civil service, KPI system, efficiency ratio, performance indicators, incentives, legal framework.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда давлат фуқаролик хизматида фаолият самарадорлигини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимини қўллаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Мазкур жараёнда бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва чуқур таҳлил асосида миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда» [1], деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида олиб борилган тадқиқотларга кўра, дастлаб хусусий сектор корхоналарининг янада самарали фаолият кўрсатиши учун яратилган ва ҳозирда жаҳоннинг барча йирик компаниялари, корхоналари ва ташкилотларида жорий этилган,

юқори самарадорлиги билан бошқарувнинг бошқа технологияларидан фарқланувчи **Key Performance Indicator – самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари** (кейинги ўринларда – KPI) бугун хорижий давлатлар бошқарув амалиётида ҳам кенг қўлланилмоқда.

KPI – маълум бир фаолиятда ёки муайян мақсадларга эришиш йўлидаги муваффақият кўрсаткичидир. KPI амалда эришилган натижалар миқдорий жиҳатдан ўлчанадиган ва иш берувчилар томонидан ўз ходимларини баҳолайдиган тизимдир.

KPI мақсадларни сифат ҳамда миқдорий ўлчашга ёрдам берувчи воситалар сифатида тушунилади. Агар қабул қилинган кўрсаткич қўйилган мақсадларга жавоб бермаса, ундан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Бу KPI тизимини қўллашдаги асосий тамойиллардан биридир. Умуман олганда, мақсад ва вазифаларни белгилашнинг моҳияти, уларни қайта кўриб чиқиш замонавий бошқарув концепцияси **Performance management (PM)**, яъни «Самарадорликни бошқариш» асосини ташкил этувчи тушунчадир [2].

Ҳозирда КРНи қўллаш тобора оммалашмоқда. Уни амалга оширишда баъзи қоидаларга риоя қилиш муҳим бўлиб, кўрсаткичлар реал, шаффоф ва тушунарли бўлиши керак. Бирор киши ундан нимани хоҳлаётганини билса, у кўпроқ фойда келтира олади ва ташкилотнинг янада самарали ишлашига ўз ҳиссасини қўшади.

Масалан, 2004 йилда Harvard Business Review нашри муваффақиятли ходимларни аниқлаш ва мотивациянинг энг яхши усулларини топиш мақсадида мингдан ортиқ компаниялар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида ўтказилган тадқиқот натижаларини эълон қилди. Маълум бўлишича, ўртача компанияда ходимларнинг 5 фоизи ҳар доим яхши ишлайди, 5-7 фоизи ҳамиша ёмон ишлайди, қолган 88 фоизининг самарали ишлаши учун эса мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан мунтазам равишда мажбурий назорат талаб қилинади [3].

Таъкидлаш ўринлики, КРИ тизими Ўзбекистонда дастлаб давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида акциядорлик жамиятлари ижро органларининг, аввало, директорлар корпусининг акциядорлар олдидаги масъулиятини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўрнатилган тартибга кўра, ижрочи директорларни ва кузатув кенгаши раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши кўзда тутилди.

Кейинги қадам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўлди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон Қарори билан тасдиқланган «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида» Низом амалиётга жорий этилди. Бундан кўзланган мақсад КРНи иқтисодиётимизга жорий қилиш, энг асосийси, корхоналарнинг зарар билан ишлашига, уларда иш самарадорлиги ёмонлашишига, ортиқча харajatларга, асоссиз рағбатлантиришларга, ре-

сурслардан мақсадсиз фойдаланишга, фаолиятдаги ношаффофликка ва молиявий манбалардан мақсадсиз фойдаланишга чек қўйиш эди.

2017 йил 8 сентябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» эса давлат бошқаруви, хусусан, давлат фуқаролик хизмати тизимидаги туб ислохотларни бошлаб берди. Унга кўра, мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш вазифалари белгиланди.

Яна бир муҳим ҳужжат – 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, агентлик олдида давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш борасида муҳим вазифалар қўйилди. Шулар қаторида КРИ тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантириш назарда тутилди.

2021 йил 24 августдаги «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Қарори билан жорий этилган маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тариқасида амалга оширилиши, Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўтказилган эксперимент якунларига кўра 2022 йил 1 февралга қадар маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини КРИ асосида баҳолашни ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур тизим самарадорлигини ошириш мақсадида уни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиши белгиланди.

Шу билан бирга, Давлат хизматини ривож-

лантириш агентлиги томонидан эксперимент тариқасида туман ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари фаолияти энг муҳим KPI асосида баҳолаб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинган. 2020 йилнинг 1 чорагида 12 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эксперимент сифатида бошланган баҳолаш тизими йил якунида республиканинг барча туман ва шаҳарларига татбиқ этилди.

Баҳолаш тизимига кўра, туман (шаҳар) ҳокими ва унинг ўринбосарлари фаолияти аввалдан белгиланган аниқ кўрсаткичлар (амалда 72 та) ва мақсадли индикаторлар асосида ҳар чорақда баҳолаб борилмоқда. Энг муҳими, кўрсаткичлар ҳар бир ҳоким ўринбосари кесимида белгиланган бўлиб, ҳар бир раҳбарнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва эришган натижаларини аниқ белгилаш имконини беради. Натижада ҳар чорақда барча туман (шаҳар) ҳокимлари ва улар ўринбосарларининг рейтинги шакллантирилмоқда ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилиб, уларнинг ўзаро мусобақалашув асосида янада юқори натижаларга эришишини рағбатлантирмоқда [4].

KPI асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ва шу асосда давлат хизматчиларини рағбатлантириш янги тизим бўлиб, дастлаб ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий. Аммо тизим ишлаб бошлагандан кейин иш сифати ва самарадорлиги ортади, маълум режалар ва вазифаларни бажариш жадаллашади, чунки тизим ҳар бир ходимни ўз салоҳияти устида мунтазам ишлашга ундайди.

Фикримиз давомида, ўрганилган тажрибалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, олимлар томонидан илгари сурилган давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимини келтириб ўтмоқчимиз.

Авалло, KPI бўйича баҳолаш тизимини амалиётга татбиқ этиш босқичларини кўриб чиқсак. Бу жараён қуйидаги 5 босқичда амалга оширилади [5]:

тайёргарлик босқичи: KPI ни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга масъул шахсларни тайинлаш; давлат органи фаолиятидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш; тизимни амалга оширишнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш; амалга ошириш муддатларини аниқлаш;

методологик асосларни шакллантириш: KPI тизимини моделлаштириш; давлат хизматчилари фаолиятига тегишли норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларга киритиладиган ўзгартиришларни тайёрлаш; KPI тизимига асосланган бошқарув моделини ишлаб чиқиш; ташкилий тузилмани оптималлаштириш; KPI асосида янги ҳисобот тизимини яратиш;

KPI тизимини рақамлаштириш: дастурий таъминотни яратиш учун техник вазифаларни ишлаб чиқиш; дастурий таъминотни яратиш; яратилган тизим асосида ходимлар учун ўқув машғулоти яратиш;

KPI тизимини жорий қилиш: тизимни қатор давлат ташкилотларида пилот лойиҳа сифатида жорий этиш; барча давлат ташкилотларида кенг қўллаш амалиётига ўтиш; тизимнинг мақсади ва қандай ишлаши ҳақида ходимлар учун ўқув-тренинглари ташкил қилиш;

KPI тизимининг мониторинги: тизимнинг қай даражада самарали ишлаётгани тўғрисида маълумотлар тўплаш; юзага келиши мумкин бўлган хавфларни бартараф этиш.

Дастлаб, кўрсаткичларнинг ходимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши, маълум вақт ўтиши билан эса таъсир кучининг пасайиши кузатилиши мумкин. Шунинг учун мавжуд тизимни доимий равишда таҳлил қилиб бориш лозим. Тизимда давлат хизматчиларининг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

вазн % (Wi) – муайян кўрсаткичнинг аҳамияти, миқдорда 1 ни беради;

база (Qbi) – кўрсаткичларнинг имкон берилган минимал қиймати, ундан паст кўрсаткичга эришилганда кўзда тутилган иш бажарилмаган, яъни 0% деб ҳисобланади;

меъёр (режа) (Qpi) – эришилиши режалаштирилган кўрсаткич;

асос (факт) (Qfi) – белгиланган вақт давомида бажарилган ишнинг аниқ натижаси кўрсаткичи.

Сўнгра, ҳар бир кўрсаткич учун KPI индекси ҳисоблаб чиқилади, бу ходим қандай натижаларга эришганлигини, яъни меъёр ва мақсад ўртасидаги фарқни фоизда кўрсатади. Агар KPI индекси 100% дан, яъни меъёрдан юқори бўлса, бу вазифа ортиги билан бажарилганлигини англатади. Агар KPI 100% дан паст бўлса, мақсад бажарилмаган деб ҳисобланади. Лекин бу белгиланган KPI индексига ҳам боғлиқ бўлади, чунки меъёрни (погонани) 70 дан 100% гача ҳисоблаш мумкин. KPI индекси базани ҳисобга олган ҳолда «факт / норма» нисбати сифатида ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{Индекс KPI} = \frac{Q_{fi} - Q_{bi}}{Q_{pi} - Q_{bi}}$$

Q_{fi} – белгилан вақт давомидаги бажарилган ишнинг аниқ натижалари;

Q_{pi} – ишларнинг режалаштирилган қиймати;

Q_{bi} – бажарилган ишларнинг минимал қиймати.

Кейинги босқичда кўрсаткичлар бўйича ҳар бир индекс белгиланган оғирликка кўпайтирилади (**W_i** – муайян кўрсаткичнинг аҳамияти) ва натижадорлик коэффициенти келиб чиқади.

$$\text{Натижадорлик коэффициенти (KPI)} = \sum \frac{\text{Индекс KPI} * W_i}{N}$$

N – кўрсаткичлар сони.

Сифатли KPIни баҳолаш учун қуйидаги беш даражани ўз ичига олган 10 ёки 100 баллик шкаладан фойдаланиш тавсия этилади:

«Қабул қилиб бўлмайдиган натижа» (70% дан кам), «Ёмон натижа» (70% дан 80% гача), «Ўртача натижа», (80% дан 90% гача), «Яхши натижа» (90% дан 100% гача), «Аъло натижа» (100% ва ундан юқори) [6].

Ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёхуд паст даражада деб эътироф этмасдан туриб устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди. Қоида тариқасида, KPI тизимининг вазифаси бир хил, фақат амалга ошириш усуллар ҳар бир ташкилотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фарқланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, фаолиятнинг процессуал ва функционал

схемаларини муваффақиятли амалга ошириш билан боғлиқ давлат бошқаруви аппаратидаги таркибий ўзгаришлар хорижий мамлакатларда давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга ёрдам берди. Бу нафақат бутун давлат ҳокимиятининг фаолиятини, балки муайян бир давлат хизматидаги шахс фаолиятининг самарадорлигини ҳам баҳолаш имконини беради [7].

Ҳозирги вақтда дунёда давлат аппарати самарадорлигини баҳолашда катта тажриба тўпланган. Унинг зарурати эса давлат бошқаруви тизимининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни билан белгиланади.

Илмий адабиётлар, тадқиқот натижалари ва эксперт ишланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, фаолиятни баҳолаш тушунчаси, унинг моҳияти ва маъносини талқин қилишда ягона тизимли ёндашув мавжуд эмас. Самарадорликни баҳолаш учун мақбул норматив-ҳуқуқий асос ҳали яратилмаган ва бу борада тадқиқотлар давом этмоқда.

Албатта, KPIни қўллашда хатоларга йўл қўймаслик мумкин эмас. Бу тизим жуда яхши мослашувчан ва кўп ўзгарувчан бўлиб, ҳар бир ташкилот учун индивидуал шакллантириш ҳам мумкин. Шу боис тизим тўпланган тажриба асосида ривожлантирилиб, такомиллаштириб борилади.

KPIга асосланган бошқарув тизими асосчиси Питер Друкер таъбири билан айтганда *ривожланмаган мамлакатлар йўқ, фақат ёмон бошқариладиганлари бор* [8].

Дарҳақиқат, тўғри йўлга қўйилган бошқарув натижасида аҳолининг ҳаёт сифати янада яхшиланади, давлатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни сезиларли равишда мустаҳкамланиб боради.

1. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>.

2. Гомалеев А.О., Тютин Д.В. Формирование профессиональных компетенций государственных и муниципальных служащих в сфере управления проектами в общественном секторе // Новые технологии в образовании: сборник статей III Международной научно-практической конференции. Общество с ограниченной ответственностью «Научно-инновационный центр». – Красноярск, 2015.

3. Клочков А.К. KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. – М.: Эксмо, 2010.

4. <https://argos.uz/oz/press-center/topic/8>.

5. Лесина Т.В., Чернов Д.А. Ключевые показатели эффективности на службе. Эффективность работы госслужащих // Вестник Евразийской науки, 2018 №2. С. 8.

6. Кулагин О. Соглашение о целях, или Что такое матрица KPI? [электронный ресурс]. URL: <http://www.e-xecutive.ru/management/practices/1674839-soglashenie-o-tselyah-ili-chto-takoe-matritsa-kpi> (дата обращения 12.05.2016).

7. Нагимова А. М. Эффективность деятельности государственных органов управления как фактор повышения качества жизни в регионе: проблемы оценки и измерения. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2009. С. 25.

8. Друкер П., Макьярелло Дж. Друкер на каждый день 366 советов успешному менеджеру. М.: Манн, Иванов и Фарбер. Эксмо. 2013. 432 с.

Нурбек ТОШКАНОВ,

Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти

УНИВЕРСИТЕТЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация. Мақолада хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ишланмалари ва технологияларини бизнесга трансфер қилишнинг асосий моделларининг хусусиятлари тавсифланган. Интеллектуал фаолият натижалари трансферини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги кундаги долзарб масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, олий таълим, инновациялар трансфери, фан ва бизнес интеграцияси моделлари, интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш.

Аннотация. В статье раскрываются особенности основных моделей трансфера разработок и технологий высших образовательных учреждений в бизнес в зарубежных странах и в Узбекистане. Рассмотрены актуальные на сегодняшний день вопросы нормативно-правового регулирования трансфера результатов интеллектуальной деятельности.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, высшее образование, трансфер инноваций, модели интеграции науки и бизнеса, коммерциализация результатов интеллектуальной деятельности.

Annotation. The article reveals the features of the main models for the transfer of developments and technologies of higher educational institutions to business in foreign countries and in Uzbekistan. The current issues of legal regulation of the transfer of the results of intellectual activity are considered.

Keywords: intellectual property, higher education, transfer of innovations, models of integration of science and business, commercialization of the results of intellectual activity.

Жаҳон бозорида товар, иш ва хизматлар билан бир қаторда «тўртинчи сават»ни интеллектуал мулк ташкил этади. Айнан у қўшимча рақобатбардошлиқда, жумладан, инновацион технологияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишда устунликни таъминлайди.

Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади [1]. 2018 йилда Ўзбекистонда R&D (илмий-тадқиқотлар ва уларни амалга киритиш) харажатлари учун ЯИМнинг 0,1 фоизи сарфланган [2]. Бу дунё бўйича ўртача кўрсаткич (2,14 фоиз)дан бир неча ўн баравар камдир [3]. 2021 йил учун мўлжалланган бюджетда фан соҳаси учун харажатлар 1 трлн 151 млрд сўмни ташкил қилган (2021 йил 13 январдаги курс бўйича қарийб 110 млн АҚШ долларига тўғри келади. Таққослаш учун: Японияда 2018 йилда R&D учун ЯИМнинг 3,2 фоизи ёки қарийб 170 млрд АҚШ dollari миқдорида маблағ сарфланган) [4].

Юртимизда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинган [5]. 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳондаги 50 та илғор мамлакат қаторига киришига эришиш устувор вазифаларидан ҳисобланади. Глобал инновацион

индекси интеллектуал мулк бўйича Ўзбекистон қайд этилган ҳозирча ягона рейтинг ҳисобланади. 2020 йилги рейтингда Ўзбекистон 131 давлат ичида 93-ўрин (таққослаш учун: Қозоғистон – 77, Туркия – 51, Россия – 47-ўрин)ни эгаллаган [6].

2021 йилги Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон 7 поғона кўтарилиб, 132 давлат орасида 86-ўринни эгаллади [7]. Эътиборлиси, 5.2.1 кодли Университет/саноат ҳамкорлиги (University/industry research collaboration) индикатори бўйича маълумотлар ҳисобга олинмаган, ушбу ҳолат World Economic Forum базасида бу ҳақда маълумот йўқлиги билан изоҳланган [8]. Бу эса университетларда яратилаётган илмий-инновацион ишланмалар ва бошқа шаклдаги интеллектуал мулк объектларининг саноатга татбиқ қилиниши, саноатнинг университетларга интеллектуал мулк объектларини яратиш бўйича буюртмалари юзасидан халқаро миқёсда ишончли маълумотлар йўқлигини кўрсатади.

Юртимизда 2020 йилда 400 га яқин ихтиро, 110 та фойдали модель, 170 та саноат намунаси, 36 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлса-да, атиги 43 та илмий ишланма тижоратлаштирилган, холос [9]. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан 2020 йил 12 октябрда ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари

«Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидоргир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ. ...юртимизда қийматни баҳолаш тизими амалда ишламаяпти. Бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда» [10], деб таъкидлаган эди.

Бу илмий-тадқиқот институтлари билан бир қаторда илм ва фан маркази саналмиш университетларга ҳам тегишлидир. Зеро, биринчи стартап муаллифлари АҚШлик талабалар бўлган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) тадқиқотларига кўра, ўтиш даври иқтисодиётига эга, шу жумладан собиқ Иттифоққа аъзо бўлган мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқини учинчи шахсларга бепул ўтказиб бериш давлат тадқиқот ташкилотлари учун технологиялар трансферининг энг кенг тарқалган усулидир. Лицензия келишувлари эса кенг тарқалган трансфер стратегияси бўйича иккинчи ўринда туради ҳамда *spin-off* (шуъба корхоналар) ташкил этишдан олдин амалга оширилади [11].

Тижоратлаштириш муваффақияти кўпинча асл ихтирочи тадқиқотчиларни жалб қилишга боғлиқ, чунки улар ҳали маълум бўлмаган қўшимча билимларга эга бўлади ва бусиз лойиҳа муваффақиятсизликка учраши мумкин. Университет ва унинг тадқиқотчилари ўртасида даромадларни тақсимлаш масаласини кўриб чиқишда Бэя-Доул қонуни (*Bayh-Dole Act*) тадқиқотчилар тадбиркор бўлиши ва тижоратлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун рағбатни кучайтиради.

Сўнги йилларда инновация ва билимларга асосланган иқтисодиётга эга илғор давлатларда ва АҚШда Бэя-Доул қонуни каби қонунлар қабул қилингани натижасида университетларнинг патентлаш ва лицензиялаш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсди, чунки бу давлат тадқиқот ташкилотларига ўзларининг тадқиқот натижаларига бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқини сотиб олишда устунлик ҳуқуқини тақдим этади [12]. Бундай ҳолатларни Буюк Британия, Япония, Германия, Австрия, Франция, Дания, Хитой, Корея Республикасида кузатиш мумкин. Аммо бу технологияларнинг муваффақиятли трансфери учун мажбурий шарт ҳисобланмайди, чунки Европадаги қатор етакчи инновацион мамлакатларда, шу жумладан Финляндияда (2007 йилгача) ва Швецияда тадқиқотчилар ёки ўқитувчилар давлат тадқиқот ташкилотларида яратилган интеллектуал мулкка эгалик қилишлари мумкин [13].

Университет томонидан патентлаш заруратини ҳамма вақт ҳам иқтисодиёт учун юқори

баҳолаб бўлмайди. Мисол учун, АҚШ университетлари орасида етакчи патент эгаси бўлган Калифорния университети АҚШда 1969-2008 йилларда берилган патентлар тизимида 57-ўринни эгаллаган [14], бошқа бирор университет биринчи юзталикка ҳам кирмаган. Европа Патент офисига университетлардан патент бўйича атиги 5 фоиз (5000 та) ариза келиб тушган [15]. Халқаро патент тизими сифатида Патент кооперацияси Шартномаси (PTC – Patent Cooperation Treaty) маълумотига кўра, 2019 йилда университетлар ҳиссасига жами аризаларнинг 5,6 фоизи тўғри келган. 2019 йилда энг кўп ариза топширган топ-50 талик ичида 470 та ариза билан Калифорния университети (АҚШ) етакчилик қилган [16].

Университетлар ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотларининг технологиялар трансфери ва патентларини бошқариш фаолиятини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ихтиролар ҳақида маълумотларни ошкор қилиш, патент аризалари, патентларни тақдим қилиш, расмийлаштирилган лицензиялаш ва лицензиялардан олинган даромадлардир. Шу боис, билимлар трансфери бўйича университетлар фаолияти кўпроқ илмий-тадқиқот кооперациялари ва спин-офф корхоналарига йўналтирилган, давлат тадқиқот ташкилотларида бундай фаолият асосан лицензиялашга қаратилган бўлади.

Ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатлар гуруҳи бўйича технологиялар трансфери масаларида тўлиқ ва қиёсий маълумотлар мавжуд эмас. Норасмий маълумотлар технологиялар трансфери стратегияси ва натижаларида сезиларли фарқлар мавжудлигидан далолат беради. 2008 йилда Албанияда 11 фоиз патент аризалари университетлардан келиб тушган [17].

Ўзбекистонда эса 2004-2006 йилларда тузилган 325 та лицензия шартномасидан фақат 7 тасигина Фанлар академияси томонидан тақдим қилинган, бошқа бирор-бир университет ёки тадқиқот ташкилотлари томонидан ҳеч қандай шартнома тузилмаган [18].

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи *spin-off* ва *spin-out* корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш ва зифаси белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Ўзбекистон-Япония ёш-

лар инновация маркази, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ва Урганч давлат университети ҳузуридаги «Хоразм» инновацион технопарки фаолияти самарадорлигини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказида замонавий илмий-тадқиқотларнинг амалга оширилишини таъминлаш ва ривожлантириш ишлари кетмоқда.

Хулоса ўрнида, республикамиз олий таълим муассасаларининг интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришни ривожлантиришга қаратилган **қуйидаги таклифлар билдирилади:**

биринчи, «2017–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар»нинг 25-бандида белгиланган технологиялар трансфери ва уларни тижоратлаштириш тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ҳозирги кунда ҳам етакчи ҳисобланган АҚШнинг 1980 йилги Бэя-Доул қонуни, Япониянинг 1998 йилги «Университетлар ва бошқа давлат илмий-тадқиқот институтларида яратилган технологияга оид илмий иш натижаларини хусусий секторга трансфер қилинишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ва 1999 йилги «Саноатни қай-

та жонлантириш бўйича махсус чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қонунлари асосида тайёрлаш мақсадга мувофиқ;

иккинчи, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолиятини ҳамда ваколатларини технологиялар трансфери соҳасида етакчи ҳисобланган АҚШ, Германия ва Япония давлатларидаги Технологиялар (билимлар) трансфери офислари фаолиятига мувофиқлаштириш тавсия этилади;

учинчи, Интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021–2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастурида олий таълим ва илмий тадқиқот институтларининг интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсати ишлаб чиқилиши белгиланган бўлиб, ушбу локал ҳужжат Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсати тўғрисидаги Намунавий низом қоидалари билан бирга Ўзбекистон шароитини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Намунавий низом лойиҳасини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ қилишда *Академик ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун интеллектуал мулк сиёсати тўғрисида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти намунавий низомининг адаптацияси бўйича раҳбарий тамойиллардан фойдаланиш тезкор самара беради.*

1. <https://president.uz/uz/lists/view/3887>

2. The World Bank, «Research and Development Expenditure» // worldbank.org/indicator/GB.XPD.RSDV.GD.ZS?locations=UZ-JP.

3. Худайназаров А., «Ўзбекистондаги инновацион ривожланиш: ҳолати, муаммолари ва ечими», Иқтисодиёт, 1(1) 2018, Б. 29.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Фуқаролар учун Бюджет 2021 лойиҳа»

5. https://www.mf.uz/media/file/30_11_2020/Budjet_21P_uz.pdf (12.01.2020)

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон

7. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf

8. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

9. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020/uz.pdf

10. <https://president.uz/uz/lists/view/3887>

11. World Intellectual Property Organization (WIPO), Management of Academic Intellectual Property and Early Stage Innovation in Countries in Transition, version I, Division for Certain Countries in Europe and Asia, Geneva 2010.

12. Thursby, J.G. and M.C. Thursby, 2007, University Licensing, Oxford Review of Economic Policy 23(4): 620-639.

13. www.de.unito.it/web/member/segreteria/WP/Momigliano/2010/15_WP_Momigliano.pdf.

14. United States Patent and Trademark Office (USPTO), Historic Data, All Technologies (Utility Patents) Report, part B, Ranked List of Organizations with 1,000 or More Patents Granted During the Period 1969-2008; url: http://www.uspto.gov/web/offices/ac/ido/oeip/taf/h_at.htm#PartB.

15. Van Pottelsberghe, 2009, Lost Property: The European Patent System and Why It Doesn't Work, Bruegel Blueprint series, vol. IX, http://aei.pitt.edu/11263/01/patents_BP_050609.pdf, p.22.

16. World Intellectual Property Organization (WIPO), World Intellectual Property Indicators 2009, Geneva. Url: http://www.wipo.int/export/sites/www/ipstats/en/statistics/patents/pdf/941_2010.pdf.

17. http://live.unecce.org/fileadmin/DAM/ceci/ppt_presentations/2009/ip/Skopje/elezi_enf.ppt.

18. Spasic O., Intellectual Property and Technology Transfer - WIPO Capacity Building Programs and Tools, UNECE Subregional Seminar on the Role of Intellectual Property Rights in Technology Transfer – Problems & Solutions, Examples from Turkey and World, Ankara, Turkey, available at: http://live.unecce.org/fileadmin/DAM/ceci/ppt_presentations/2009/ip/Ankara/spasic.pdf.

Гулноза САТТАРОВА,
начальник отдела Института проблем законодательства и парламентских исследований,
кандидат юридических наук

Ботирбек СОБИРОВ,
сотрудник Института проблем законодательства и парламентских исследований

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье рассматриваются правовые проблемы действующей национальной системы пенсионного обеспечения и перспективные пути дальнейшего развития. Приводится обоснование необходимости реформирования пенсионной системы Республики Узбекистан на основании сравнительного анализа положительных аспектов пенсионных систем развитых зарубежных стран.

Ключевые слова: пенсионная система, социальное обеспечение, негосударственное страхование, корпоративные пенсии, льготные пенсии, добровольное страхование, пенсионный фонд.

Аннотация. Мақолада амалдаги миллий пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва истиқболли ривожланиш йўллари атрофида кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурати ривожланган хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари ижобий жиҳатларининг қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: пенсия тизими, ижтимоий таъминот, нодавлат суғурталаш, корпоратив пенсиялар, имтиёзли пенсиялар, ихтиёрий суғурталаш, пенсия жамағармаси.

Annotation. The article deals with the legal problems of the current national pension system and promising ways for further development. The substantiation of the need to reform the pension system of the Republic of Uzbekistan on the basis of a comparative analysis of the positive aspects of the pension systems of developed foreign countries is given.

Keywords: pension system, social ensuring, non-state insurance, corporate pensions, preferential pensions, voluntary insurance, pension fund.

Социальная защита населения является одной из важнейших составляющих социальной политики государства, направленной на формирование достойного уровня жизни людей, воссоздание человеческого капитала, совершенствование системы пенсионного обеспечения, оказания социальной помощи и услуг нуждающимся гражданам, создание эффективных социальных инфраструктур и поддержание их нормальной деятельности.

В рамках созданной за годы независимости национальной системы социального обеспечения были приняты нормативно-правовые акты, регулирующие пенсионные отношения, а также разработаны и внедрены виды адресной социальной помощи и поддержки нуждающимся слоям населения: престарелым, инвалидам, семьям с детьми и т.п.

Исследования развития системы социального обеспечения показывают ее постепенное с учетом все более возрастающих возможностей государства и общества, последовательное реформирование, в ходе которого были постепенно ликвидированы нормы, противоречащие современным взглядам на гендерное равенство, иждивенчество и социальную справедливость. Данные изменения осуществлялись с учетом

международного и передового зарубежного опыта в сфере пенсионного обеспечения, основанного на принципах социальной справедливости, на основании происходящих в стране социально-экономических преобразований, развития предпринимательства и бизнеса, и самое главное, постепенного отказа от принципа социального иждивенчества и норм, оставшихся в наследие еще от советского прошлого [1].

Вместе с тем, необходимо признать, что за годы развития Республики Узбекистан, некоторые подходы к организации пенсионного обеспечения остались неизменными и требуют пересмотра с учетом новых реалий, достижений в сферах экономики и образования, демографического роста населения и определенного изменения пропорций работающих и пенсионеров. В современных условиях становится актуальным поиск новых альтернативных форм и методов пенсионного обеспечения и совершенствования имеющихся.

Конечно, нельзя не признать определенные достижения внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан. Так, к числу достоинств действующей системы социальной защиты в виде обеспечения пенсиями и пособиями посредством выплат из

внебюджетного Пенсионного фонда Республики Узбекистан можно отнести высокую степень контроля за расходованием средств, что обеспечивается централизацией финансовых потоков, а также всеобщностью и всеохватностью социальной помощи для различных категорий населения.

Вместе с тем, в системе пенсионного обеспечения Узбекистана сохраняются системные проблемы, решение которых видится в следующем:

Изменение организационно-правовой формы системы пенсионного обеспечения.

Система пенсионного обеспечения с ее обязательными выплатами в форме социального налога из фонда оплаты труда остается одной из немногих недореформированных областей с сильным наследием советской распределительной системы. Закон Республики Узбекистан «О государственном пенсионном обеспечении граждан» принят в 1993 году и до настоящего времени концептуально не претерпел серьезных изменений. Трехуровневый расчет пенсий фактически представляет собой одноуровневый советский подход к определению размеров пенсий.

Выплаты во внебюджетный пенсионный фонд представляют собой отдельный вид налогов, причем не обоснованы размеры социального налога по видам рисков, не определены принципы распределения налоговых платежей между работодателями, работниками и государством.

Фактическая замена страховых взносов налогом обложением фонда оплаты труда работников не решила проблемы дефицита финансовых средств для финансирования государственных гарантий пенсионного обеспечения, в результате чего имеют место существенные бюджетные затраты, в том числе, на оказание социальной поддержки гражданам, что обусловило сильную зависимость пенсионного обеспечения от общего состояния государственного бюджета. Так, в 2021 году размер государственных дотаций во внебюджетный Пенсионный фонд составил 14 трлн сум. Доход внебюджетного Пенсионного фонда от поступлений социального налога в 2020 году составил 19 трлн 841 млрд сум, расход Фонда на пенсии и другие выплаты – 31 трлн 757 млрд сум. Таким образом, недостающая сумма выплачена за счет государственного бюджета [2].

В Узбекистане коэффициент замещения заработной платы при выплате пенсии зависит от размера оплаты труда. Причем чем выше заработная плата, тем выше размер суммы, выплачиваемой в виде социального налога, тем ниже коэффициент замещения заработной платы при определении размера пенсии. Так, в соответ-

ствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О повышении минимальных размеров оплаты труда, пенсий, пособий» от 17 августа 2021 года, при минимальной оплате труда в размере 822 тыс сум, назначаемая минимальная пенсия по возрасту, 623 тыс сум, составит 75,7% замещения. Но этот показатель понижается по мере увеличения размера оплаты труда, с учетом ограничений, предусмотренных законом при исчислении среднего заработка для определения размера пенсии. И при заработной плате в 5 млн сум, процент замещения будет составлять уже 27%, а при зарплате 10 млн сум – 13%.

Этот же показатель для стран ОЭСР в среднем составляет 40,6%. Для сравнения в Латвии – 47,5%, в Греции – 53,7%, в Финляндии – 56,6%, в Венгрии – 58,7%, во Франции – 60,5%, в Турции – 69,9%, в Испании – 72,3%, в Португалии – 74%, в Австрии – 78,4%, в Италии – 83,1% [3].

В итоге — высокий уровень социального налогообложения, низкие пенсии способствуют утрате стимулов работников и работодателей платить большие социальные налоги, однако при этом определил возможности уклоняться от уплаты, что подтверждается все большим распространением неформальной занятости и латентных форм оплаты труда.

В последнее время становится совершенно очевидным тот факт, что наряду с государственными мерами, проводимыми в этой области, необходимо использование и рыночных институтов. Одним из элементов организации социальной защиты граждан в условиях рынка является **негосударственное страхование**.

Если мы обратимся к опыту развитых стран, то увидим, что при всем разнообразии правовых норм, регулирующих вопросы пенсионного обеспечения, можно выделить три основных источника пенсионного обеспечения граждан: государственные пенсии (обязательные и дополнительные профессиональные); негосударственные пенсии, получаемые через пенсионные фонды; негосударственные пенсии, выплачиваемые страховыми компаниями по договорам дополнительного пенсионного страхования, заключенным как отдельными гражданами, так и предприятиями в пользу своих сотрудников. Другими словами, существующие в мире различные модели пенсионных систем основываются на трех основных стратегиях: *солидарной, накопительной и смешанной*. Первый уровень существует для того, чтобы обеспечить минимальный уровень жизни пенсионеров и социально незащищенных групп населения. *Второй*

уровень, напрямую зависит от уровня заработка, созданный для обеспечения целевого уровня жизни на пенсии и рассчитывается как коэффициент замещения дохода, получаемого в течение рабочего периода. Третий уровень – это пенсионное обеспечение, основанное исключительно на добровольных условиях участия и является дополнительным источником пенсии. Если первые два уровня основываются на налогообложении, то последующие два уровня основываются на принципах страхования.

Признано, что страхование способствует функционированию системы социальной защиты, являясь элементом ее структуры. В отличие от субъектов системы социальной защиты, которые используют бюджетные средства, страхование предполагает участие объектов системы социальной защиты (т.е. самих граждан) в формировании финансовой основы реализации ее функций. Отметим, что в развитых странах добровольное страхование широко распространено и расходы на него рассматриваются гражданами, прежде всего, представителями среднего класса, как важная статья расходов бюджетов домохозяйств.

В странах Западной Европы и США негосударственное страхование позволяет обеспечивать высокие жизненные стандарты и уровни защиты для застрахованных. Так, размер пенсий и других выплат составляет в среднем 65–75% от заработной платы для большинства получателей страховых возмещений.

Согласно данным исследования S&P, в домохозяйствах стран ЕС можно выделить расходы на страхование, в то время как в России, Казахстане, Узбекистане основную долю с точки зрения денежных расходов занимают в основном продовольственные товары. Люди должны понимать, зачем им нужно покупать страховой полис. Сейчас у многих преобладает мнение, что деньги выплачиваются в никуда. Кроме того, по мнению международных экспертов защита потребителей в Узбекистане находится на низком уровне. Если потребители почувствуют себя защищенными, они с большей готовностью будут покупать страховые полисы [4].

В свою очередь, добровольное страхование предусматривает активное участие страховщиков. Предположительно, это значительно расширит рынок страхования и будет способствовать его развитию. Сбалансированная структура системы добровольного и обязательного страхования, наряду с оптимальным налогообложением позволит обеспечить высокую степень социаль-

ной защищенности граждан пенсионного возраста.

Как ни в какой другой отрасли предпринимательства, в страховой деятельности велика роль государственного воздействия. Государство само осуществляет страхование и ведет государственный надзор в этой области. Такое внимание к этому виду предпринимательства связано с социальной значимостью функции страхования.

Вопросам развития рынка страховых услуг особое внимание уделяется со стороны руководства страны. Жесткой критике подверглось состояние страхового рынка, доля которого в валовом внутреннем продукте нашей страны достигла лишь 0,4 процента. Для сравнения, этот показатель в несколько раз больше в европейских странах (8–12%), США, Японии и Южной Кореи. Страховые возмещения, выплачиваемые клиентам, составляют в среднем 50–60 процентов, в то время как в Узбекистане этот показатель составил всего 11 процентов страховых премий [5].

Организационно-правовые условия страхования устанавливаются законодательным актом для управления различными по значимости рисками. Такие условия целесообразно закрепить на законодательном уровне.

Изменение подходов к льготному пенсионному обеспечению. Действующим Законом Республики Узбекистан «О государственном пенсионном обеспечении граждан» предусмотрены льготные пенсии по возрасту в связи с работой в тяжелых и неблагоприятных условиях труда или социальным положением. Пенсионное законодательство предусматривает несколько видов льготных пенсий:

- независимо от возраста;
- с уменьшением общеустановленного возраста для получения пенсии на 10 лет;
- и с уменьшением общеустановленного возраста на 5 лет.

Кроме того, право на льготную пенсию по возрасту имеют инвалиды войны, матери инвалидов с детства, лилипуты и карлики. Для последней категории граждан средний возраст выхода на пенсию составляет 45–55 лет.

В 2010 году в ходе пенсионной реформы были пересмотрены и изменены нормы пенсионного законодательства, предусматривающие льготное пенсионное обеспечение с уменьшением общеустановленного пенсионного возраста на 5 лет [6].

Вместе с тем, социально-экономическое развитие страны, развитие законодательства об ох-

ране труда, совершенствование деятельности по осуществлению контроля и надзора за соблюдением требований по охране труда, улучшение системы здравоохранения обуславливают необходимость дальнейшего совершенствования системы льготного пенсионного обеспечения. По сути, льготные пенсии должны компенсировать работникам неблагоприятные условия труда, ответственность за которые должны нести работодатели, именно они набирают кадры на рабочие места с вредными и опасными условиями труда. Однако действующее законодательство определяет, что гарантийное льготное пенсионное обеспечение осуществляется за счет государственного внебюджетного Пенсионного фонда Республики Узбекистан, то есть возлагает эти обязанности на государство. Назначение и выплата льготных пенсий не зависит от размера взносов, выплачиваемых во внебюджетный Пенсионный фонд работодателем ни работодателем, ни работником. Право на получение этих пенсий предоставляется независимо от фактических условий труда, показателей здоровья и сохранения трудоспособности работников.

В современных исследованиях по вопросам льготного пенсионного обеспечения отмечается необходимость пересмотра всей системы льготного пенсионного обеспечения, поскольку льготные списки были сформированы в 50-е годы, еще на заре научно-технического прогресса, формально пересмотрены в 1990-е, но практически без изменения действуют по сей день. Сегодня в стране проводится политика постоянного улучшения материально-технической базы, осуществляются работы по внедрению более совершенных инструментов, оборудования, материалов, технологий, а также механизации и автоматизации производств, что по определению должно изменить содержание, характер, условия и организацию труда и направить их на обеспечение безопасного труда. Однако в праве социального обеспечения, в правовых нормах, регулирующих пенсионное обеспечение рабочих и служащих

дифференцированно, по условиям труда, данные изменения в промышленности не нашли отражения. Списки № 1 и № 2, разработанные более 60 лет назад до сих пор не пересмотрены, а в них включено более 3 000 профессий и должностей.

В этих условиях представляется целесообразным подумать о дополнительных источниках финансирования льготных пенсий, например, за счет работодателей и самих работников путем **создания корпоративных профессиональных пенсий.**

С учетом вышеизложенного, **предлагается пересмотреть действующую законодательную базу системы пенсионного обеспечения населения, предусмотрев:**

внедрение многоуровневой системы пенсионного обеспечения, где на первом уровне будет минимальная государственная пенсия – базовая часть, на втором – обязательно-накопительная (путем образования корпоративной накопительной системы), на третьем уровне – дополнительная добровольная (для вкладчиков частных накопительных пенсионных вложений в банках);

образование негосударственных корпоративных пенсионных фондов в отраслях и на производствах, на предприятиях, дающих право на льготное пенсионное обеспечение (*предварительно на ведущих предприятиях отрасли в порядке эксперимента*), определив их источниками выплат льготных пенсий до достижения общеустановленного возраста;

обязательное долевое участие работодателей и работников в формировании средств корпоративных пенсионных фондов;

предоставление налоговых преференций в отношении средств, вносимых работниками и работодателями в указанные пенсионные фонды;

предоставление права образования накопительных пенсионных фондов другим финансовым структурам Узбекистана, наряду с Народным банком, определив главным – принцип добровольного участия граждан в накопительной системе.

1. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием системы пенсионного обеспечения граждан» // lex.uz/acts/1677153.

2. <https://kun.uz/ru/news/2021/02/20/pochemu-doxody-pensionnogo-fonda-ne-okupayut-sebya-v-2021-godu-organizatsii-vy-deleno-boleye-14-mlrd-dollarov-iz-gosudarstvennogo-budjeta>.

3. Грищенко Н.Б. Реформы социального страхования: поиск баланса. Институт социальной политики ФГАОУ ВО «Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики». 2018г.

4. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/09/insurance/>.

5. https://uzsm.uz/ru/press_center/uzb_news/obsuzhdeny-voprosy-razvitiya-strakhovogo-rynka/.

6. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в закон Республики Узбекистан «О государственном пенсионном обеспечении граждан» и Трудовой кодекс Республики Узбекистан».

Зульфия ТУРАНАЗАРОВА,

докторант Университета мировой экономики и дипломатии, ведущий научный сотрудник Международного института Центральной Азии

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ С ЮНИСЕФ ПО ВОПРОСАМ ЗАЩИТЫ ПРАВ ДЕТЕЙ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье раскрывается суть деятельности международной организации ЮНИСЕФ по обеспечению прав и благополучия каждого ребенка, которые являются важными в целях устойчивого развития страны. Освещается роль международной организации в укреплении и развитии международных отношений для решения проблем наиболее уязвимых слоев населения (женщин и детей) в современных условиях на международном, региональном и национальном уровне. Проводится анализ осуществленной работы по реализации ЦУР в Узбекистане в данном направлении.

Ключевые слова: ООН, ЮНИСЕФ, ЦУР, Стратегия развития, ребенок, глобализация, образование, уязвимый, пандемия, прогресс, защита.

Аннотация. Мақолада ЮНИСЕФ халқаро ташилотининг мамлакатлар барқарор ривожланиши учун муҳим бўлган ҳар бир боланинг ҳуқуқлари ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги фаолияти моҳияти очиб берилган. Халқаро ташилотининг халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги замонавий шароитларда аҳолининг заиф қатламлари (аёллар ва болалар) муаммоларини ҳал қилиш бўйича халқаро алоқаларни мустақамлаш ва ривожлантиришдаги ўрни ёритилган. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда БРМни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: БМТ, ЮНИСЕФ, БРМ, Тараққиёт стратегияси, бола, глобаллашув, таълим, заиф, пандемия, тараққиёт, ҳимоя.

Annotation. The article reveals the essence of the activities of UNICEF international organizations to ensure the rights and well-being of every child, which are important for the sustainable development of the country. The role of an international organization in strengthening and developing international relations to solve the problems of the most vulnerable segments of the population (women and children) in modern conditions at the international, regional and national levels is highlighted. An analysis is being made of the work carried out to implement the SDGs in Uzbekistan in this direction.

Keywords: UN, UNICEF, SDGs, Development Strategy, child, globalization, education, vulnerable, pandemic, progress, protection.

В мире существует множество государственных и негосударственных организаций по защите детей. ЮНИСЕФ взял на себя ответственность и занялся непосредственно проблемами, связанными с развитием и обеспечением прав детей.

